

Фарзандларимизга
нафақат ишонч билди-
риш, балки уларга
ўзини амалда намойён
этиши учун майдонни
кенгайтириш керак.

Ислом КАРИМОВ



ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА УЧРАШГҮНЧА!

*Навоий шахрида умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг
“Умид ниҳоллари — 2012” республика спорт ўйинлари якунланди*

...Навқирон авлоднинг спорт ва ёшлик байрами — “Умид ниҳоллари — 2012” муносабати билан қад ростлаган муҳташам марказий стадион яна меҳмонлар ва спорт мухлислари билан тўлди. Байрамона бозатилган стадион узра “Умид ниҳоллари — 2012” машғаласи ёрқин нур сочмоқда.

Майдонга мусобақаларда иштирок этган Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳри терма жамоалари вакиллари кириб келади.

«Умид ниҳоллари — 2012» спорт ўйинларининг тантанали ёпилиш маросими ғолибларни тақдирлаш билан бошланади.

Кескин ва мурасасиз курашлар остида ўтган мусобақада умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллаган Тошкент шаҳри жамоаси бош соврин — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Умид ниҳоллари” спорт ўйинлари қатнашчиларига табригининг асл нусхаси ва “Дамас” автомобиллари билан тақдирланди.

Умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллаган Навоий вилояти ва учинчи поғонадан жой олган Самарқанд вилояти жамоаларига мамлакатимиз Президенти совғаси — “Дамас” автомобиллари топширилди.



Мусобақаларда алоҳида маҳорат кўрсатган, ғалабага интилишини намойён этган бир гуруҳ ўқувчилар махсус совринлар билан тақдирланди.

— Спорт ва дўстлик байрами — “Умид ниҳоллари — 2012” бир умрга ёдимда қолади, — дейди белбоғли кураш бўйича “Умид ни-

ҳоллари — 2012” спорт ўйинлари олтин медали соҳиби наманганлик Абдурасул Ҳабибуллаев. — Якуний босқич беллашувлари унутилмас воқеалар ва рекордларга бой бўлди. Мусобақалар ўқувчи-спортчиларнинг маҳорати юксалаётгани ва мамлакатимизнинг барча ҳудудларида спорт изчил ривож-

ланаётганини кўрсатди. Бу — Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида биз, ёшларнинг спорт билан шуғулланишимиз, ўз истеъдодимизни кенг намойиш этишимиз учун яратилаётган улкан имкониятлар самарасидир.

(Давоми 2-бетда.)



So 'nggi qo 'ng 'iroq

КЕЛАЖАККА ЧОРЛАГАН ҚҮНҒИРОҚ

Ўқувчи қалбида юксак орзу-умидлар жўш урса-да, йиллар давомида меҳри тушган азиз устозлари мактабдек қўлуг остонани бир умр ёдидан чиқармайди. Зеро, ҳар йили «Сўнғи қўнғироқ» тадбирида бу ҳаяжон ва ажиб кайфият тақрорланади. Кеча юртимиздаги барча умумтаълим му-

ассасаларида «Мустақил юрт фарзанди, она Ватан сени чорлайди!» шиори остида шодиёналар ўтказилди. 560 345 нафар битирувчи ўз эзгу мақсадларига эришиш йўлида яна бир доvon ошиб, галдагисини забт этишга чоғланди: Болалар мусиқа ва санъат мактабларини 3858 нафар ўқувчи битирган

бўлса, 89 нафар истеъдодли ўғил-қиз халқаро танловлар ғолиби бўлгани дилларга гурур бағишлади. 47 нафар ўқувчи республика фан олимпиадасида юқори балл билан совринли ўрин олгани ҳам ёш авлодга чуқур таълим-тарбия берилаётгани самарасидир.

(Давоми 3-бетда.)

БАҲСЛАРДА МАҲОРАТ ТОБЛАНДИ, ДЎСТЛИК ҒОЛИБ БЎЛДИ

Викорли тоғ ёнбағридан сизиб чиқаётган жилға майсалар юзини силаб, анҳору сойлар сари интилади, ниҳол жажжи қафларини бо-боқўёшнинг заррин нурларига тутиб, чинорга бўйла-йишини орзу қилади. Бу жараён инсон мисолида кузатилса, асрлар оша яшаб келаётган умумбашарий қадрият — ҳаракат ва интилишнинг мазмун-моҳияти, қадр-қиммати теранроқ англашляди.

Уч кун мобайнида Навоий шаҳри чинакам спорт, гўзаллик ва нафосат байрами шукуҳига бурканди. Республикаимизнинг барча вилоятларидан келган умумтаълим мактаблари ўқувчилари иштирокидаги бир-бирдан қизгин ва му-

росасиз беллашувлар барча-барчанинг диққат-марказида бўлди.

Спортнинг 12 тури бўйича ўз имкониятларини “кичик олимпиада” мақомини олган “Умид ниҳоллари — 2012” спорт ўйинлари финал босқичида синаб кўрган мактаб ўқувчиларининг ғалабага бўлган кучли иштиёқи юзу кўзидан яққол билиниб турди.

“Умид ниҳоллари — 2012” спорт мусобақалари-га киритилган барча спорт турлари бўйича ғолиб ва совриндорлар ҳамда умумжамоа ҳисобида кучли учликдан ўрин олган вилоят терма жамоалари номи аниқланди.

(Давоми 8—9-бетларда.)

КЕЛАЖАККА ЧОРЛАГАН ҚЎНҒИРОҚ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

ТОШКЕНТ ШАҲРИ



Пойтахтимиздаги 142-умумтаълим мактабида ўтган «Сўнги қўнғироқ» тадбирида «Энг ибратли бола», «Мактабимиз фахри», «Энг фаол ўқувчи» номинациялар бўйича қобилиятли ва иқтидорли битирувчилар тақдирланди.

— Ўқувчилар қалбидаги ҳаяжон бизга ҳам кўчган, — дейди муаллима Матлуба Шаронова. — Ота-оналар билан ҳамкорликда битирувчиларнинг қобилияти ва иштиёқига қараб ўрта махсус, касб-хунар таълими бўйича мутахассислик танлашида қўмақлашдик. Уларнинг ҳар бири ўз олдига улкан

мақсад ва режалар кўйган.

Тадбирда Мавлуда Губаева, Меҳрихон Асадова, Нихола Назарова сингари жамоат ишларида фаол қатнашган, фарзанди тақдири билан доимий қизиққан ота-оналар алоҳида эътироф этилди. Фан олимпиадаси ғолиби, 9-синф битирувчи Мадина Дубаева дилидан кечаётган миннатдорлик туйғуларини шундай ифодаляди:

— Мактаб — муқаддас даргоҳ. Меҳрибон ва билимли муаллимлар ёрдамида фанларни пухта ўзлаштирдим. Чизмачилик ва дизайн соҳасига қизиқишимни

сезган ўқитувчиларим кўшимча тўғаракларни тавсия этишди. Натижада, фан олимпиадасининг шаҳар босқичида 3-ўринни эгалладим. Келгусида тахсилни Республика рассомлик коллежидан давом эттирмоқчиман.

Шайхонтохур туманидаги 299-умумтаълим мактабида ҳам тадбир ўзига хос тарзда ўтказилди. Шу кунни ҳудуддаги Олмазор тиббиёт коллежи ва Тошкент гидрометеорология коллежидан вакиллар келиб, 9-

синф битирувчиларига ўзларининг коллежларида ўқитиладиган мутахассисликлар бўйича батафсил маълумот беришди.

— Ўқув масканимизда тўрт йўналишда малакали тиббиёт ходимлари тайёрланади, — деди Олмазор тиббиёт коллежи ўқитувчиси Феруза Қосимова. — Асосийси, битирувчиларимиз тиббий муассасаларда доимий иш билан таъминланмоқда.

Шоира
БОЙМУРОВА



Пойтахтимиздаги 112-мактабда ҳам бошланғич синф ўқувчиларининг «Сўнги қўнғироқ» тадбири кўтаринки руҳда ўтди.

— Жорий ўқув йилида мактабимизнинг 4-синфини 151 нафар ўқувчи тамомлади, — дейди директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Башорат Шокирова. — Бугунги тадбирда ўқувчиларимиз тайёрлаган сахна кўринишлари ота-оналари ва ўқитувчиларини хушнуд этди.

БУХОРО

Бу йил вилоятда 35 543 нафар битирувчи навбатдаги таълим босқичи — академик лицей ва касб-хунар коллежларида йўлга қўйилди. Фиждудон шаҳридаги 62-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида ўтказилган шодиёнада собиқ ўқувчилар ҳам қатнашиб, битирувчиларга эзгу тилак билдиришди.

— Ҳаётда қандай касб танламайлик, илк бор қалам тутқазган, билим берган заҳматкаш устозларимиз меҳ-

натини унутмаймиз, — деди она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Феруза Шоева. — Ҳар гал ўқув йилини тугаллаб, «Сўнги қўнғироқ» яқинлашгани сайин дилимда ажиб ҳислар уйғонади. Болалик завқи билан елдек ўтган йиллар соғинчи ўз таъсирини ўтказди. Мактаб кучогидан учирма бўлаётган шоғирдларимизга ана шундай кўтаринки кайфиятда омаллар тиладик.

Сора ТОШЕВА

НАМАНГАН

Вилоят умумтаълим даргоҳларида ташкил этилган байрам тадбирларида 49 168 нафар йигит-қизга кейинги таълим йўналиши учун йўланма берилди. Учқўрғон туманидаги 47-та умумтаълим муассасасида эрта тонгданок давлат мадҳияси янграб, 3077 нафар битирувчи учун сўнги қўнғироқ жаранглади.

— Фарзандларимизнинг ақли ва зехни бўлиб камол топиши асосий мақсадимиз, — деди туман ХТМФМТЭ бўлими бошлиғи Икромжон Жўраев. — Бугунги тадбирда турли мусобақалар, нуфузли танловлар ғолиби бўлган ўқувчиларимизни муносиб рағбатлантирдик.

136 нафар битирувчини қузаётган Наманган шаҳридаги 58-ихтисослаштирилган мактаб-интернатдаги байрам тадбирида Соҳиба Мамажоновна ота-оналар номидан сўзга чиқиб юртимизда ёш авлодга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва яратилган шарт-шароит ҳақида тўлқинланиб сўзлади. Ўқувчилар тайёрлаган бадий дустур кечага фойз бағишлади.

Ганишер АКБАРОВ

ЖИЗЗАХ

«Сўнги қўнғироқ» шодиёнаси муносабати билан Жиззах шаҳридаги 7-мактаб ҳовлисида ўқувчилар тайёрлаган ижодий ишлар кўргазмаси ташкил этилди.

Тадбирда ўқув йили давомида ютуқларга эришган ўқувчилар билан бирга, «Йилнинг энг фаол психологи», «Йилнинг энг фаол тўғарак раҳбари», «Йилнинг энг фаол фан ўқувчиси» кўрик-танловларининг республика босқичи иштирокчилари — Нодира Тошпўлатова, Шароф Нурманов, Интизор Карандарова, «Энг ижодкор ўқитувчи» танловининг вилоят босқичи

ғолиби Бахтиёр Умировлар меҳнати ҳам алоҳида эътироф этилди. 112 нафар 9-синф ўқувчисининг академик лицей ва касб-хунар коллежларида тахсилни қийналмай давом эттириб кетиши ана шундай фидойи устозлар берган билимларга боғлиқлиги таъкидланди.

— Мен бу йил билимлар беллашувининг республика босқичида француз тилидан фахрли 2-ўринни кўлга киритдим, — дейди 7-синф ўқувчиси Ҳабиба Норматова. — Бу ютуққа меҳрибон устозларимнинг меҳнати туфайли эришдим.

Абдусаттор СОДИКОВ

ҚАШҚАДАРЁ

Қарши шаҳридаги 25-умумтаълим мактаби байрамона безатилди. Тадбирда халқ таълими ходимлари, Янги турмуш маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари, Қарши агробизнес ва тадбиркорлик касб-хунар коллежи ўқитувчилари, ота-оналар иштирок этишди.

— Мактабнинг 9-синфини

битираётган 98 нафар ўғил-қизнинг 27 нафари коллежизмизда ўқишни давом эттириши қувонарли, — деди Қарши агробизнес ва тадбиркорлик касб-хунар коллежи ўқитувчиси Шокир Назаров. — Бу коллеж ва мактаб ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилганидан дарак.

Шаҳардаги 7-умумтаълим

мактабида ўтган тадбирда Беклар маҳалла фуқаролар йиғини, Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши томонидан 150 минг сўмлик китоб ва 450 минг сўмлик оромгоҳ йўланмалари тақдим этилди.

Қашқадарё вилоят умумтаълим мактабларини бу йил 57 507 нафар ўқувчи битирмоқда.

Ўктам МЕЙЛИЕВ

ФАРҒОНА

Фарғона шаҳридаги 4-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати ҳовлисига жам бўлган байрамона либосдаги ўқувчиларнинг порлаган кўзларию ял-ял ёнган юзларида қувонч ва шодлик акс этган. 130 нафар 9-синф битирувчиларини мактаб директори З. Ҳотамов, «Қамолот» ЁИХ шаҳар бўлими раиси ўринбосари Т. Шокиров табриклади.

— Менга билим берган, эзгулик сари бошлаган устозларимдан миннатдорман, — дейди 9-«Г» синф ўқувчиси Исмигул Йўлбарсова. — Келажақда ФарДУ қошидаги академик лицейда ўқишни давом эттириб, университетнинг биология факультетида тахсил олмақчиман.

Бугун Фарғона вилоятида Исмигул сингари 62 802 нафар ўғил-қизнинг қалбида шундай юксак орзулар ҳукмрон.

Баҳодиржон ШОКИРОВ



Кеча юртимизнинг барча мактабларида ана шундай «Сўнги қўнғироқ» жаранглаб, дилларга бегубор орзулар, ҳис-ҳаяжон, завқу-шавқ улашди.

Бу 560 345 нафар ўқувчи учун мактабдаги сўнги аynи пайтда, мустақил ҳаёт оstonасидаги биринчи қўнғироқ эди.



❖ **Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги "Маънавият ва маърифат" марказида "Соғлом оила – соғлом жамият, кучли ва барқарор давлат асоси" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.**

Республика Хотин-қизлар кўмитаси қошидаги "Фаол фахрий аёллар" уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, ҳуқуқшунослар, экспертлар, талаба-ёшлар иштирок этди.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида «оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлигини янада кучайтириш, жамиятимизда юксак маънавий муҳитни кенг қарор топтириш, миллий менталитетимизга ёт зарарли таъсирларга қарши туришда оиланинг ўрни ва аҳамиятини ошириш каби масалалар устувор вазифа этиб белгиланган.

Давра суҳбатида жамиятда маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштиришда оиланинг ўрни, оила барқарорлиги ва диний қадриятлар, соғлом ва баркамол оила – ёшларни маънавий ва jismoniy шакллантиришнинг муҳим бўлини каби мавзуларда маърузалар тингланди.

❖ **Самарқанд шаҳридаги Сийб педагогика ва спорт коллежида 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги тури – касб-ҳунар коллежи ва академик лицейларга тўла жалб этиш мақсадида «Мутахассислик – сенинг келажагинг» мавзусида кўргазма ўтказилди.**

Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, халқ таълими, меҳнат ва аҳолини иқтимоий муҳофаза қилиш бошқармалари ҳамда "Қамолот" ёшлар иқтимоий ҳаракати вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда Самарқанд шаҳри ва туманидаги умумтаълим мактаблари битирувчилари, уларнинг ота-оналари қатнашди.

Кўргазмада Самарқанд шаҳридаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида тайёрланадиган мутахассисликлар ва уларга жамиятдаги талаб, таълим жараёнлари, ўқувчилар учун яратилган шарт-шароит ва имкониятлар ҳақида батафсил маълумот берилди. Таълим муассасалари ҳаёти, бу ерда таълим олаётган ўқувчиларнинг илмий-ижодий фаолияти кўргазмали воситалар ва видеотасвирлар орқали намойиш этилди.

❖ **Термиз шаҳрида "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури ижроси доирасида "Сурхон оҳанглари" ва "Мен нечун севаман Ўзбекистонни?" номли фотоқўргазма намойиш этилди.**

Ўзбекистон Бадий академияси, "Қамолот" ёшлар иқтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, Тошкент Фотосуратлар уйи ҳамда тегишли вазирлик ва ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур кўргазмадан таниқли ижодкорлар – Нодир Норматов ва Султонбой Деҳқоновнинг юртимиздаги фаровон оилаларнинг бахтли турмуш тарзи, беғубор болалик онлари, гўзал табиат манзаралари ва аждодларимиздан мерос тарихий обидаларни акс эттирган фотосарслари ўрин олган. Уларда қишлоқ оилаларининг миллий урф-одатлари, ўзига хос турмуш тарзи, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, болажонларнинг беғубор ва қувончли лаҳзалари маҳорат билан тасвирланган.

Фотоқўргазма Шеробод тумани маданият уйи ва тоғли Пошхурд қишлоғидаги 33-умумтаълим мактабида ҳам намойиш этилди.

❖ **Андижон давлат тиббиёт институтида иқтидорли талабалар ва ёш олимларнинг республика илмий-амалий анжумани ҳамда тиббиёт олий ўқув юртлари талабаларининг патология физиология фани бўйича мамлакат олимпиадаси бўлиб ўтди.**

Юртимиздаги тиббиёт ўқув юртларида тахсил олаётган иқтидорли талабалар ва ёш олимлар иштирок этган тадбирда ўқитиш ва таълим самардорлигини ошириш, аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш, тиббий хизмат сифати ва самиясини юксалтириш, турли касалликлар келиб чиқишининг олдини олиш, даволашнинг самарали ва илғор усулларини кенг қўллаш бўйича олиб борилаётган илмий изланишлар юзасидан маърузалар тингланди, тақлиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Патология физиология фани республика олимпиадасида иштирок этган талабалар тўрт йўналиш бўйича ўз иқтидор ва билимини синовдан ўтказди. Олимпиадада Андижон давлат тиббиёт институтининг даволаш факультети талабаси Эргашали Турсунов биринчи ўринга сазовор бўлди. Тошкент тиббиёт академиясининг даволаш факультети талабаси Оқилжон Ориповга иккинчи, мазкур академиянинг Урганч филиали даволаш факультети талабаси Матёкуб Мадаминова учинчи ўрин насиб этди.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз йўллаган материаллар асосида тайёрланди.

НАМАНГАНДА «ZiyoNET» КУНЛАРИ

ХТВ ташаббуси билан таълим муассасаларида «ZiyoNET» ахборот-таълим портали хизматидан самарали фойдаланишни таъминлаш ва бу борадаги билимларни мустаҳкамлаш мақсадида «ZiyoNET» кунлари ўтказилмоқда.

Наманган вилоятида уч кун давом этган шундай тадбирда мингдан зиёд ўқитувчи-мураббий ва ўқувчилар қатнашди. «ZiyoNET» ахборот-ресурс маркази бош му-

тахассиси Гулчехра Ибрагимова ахборот тармоғи хизматларидан фойдаланиш усулларини амалий машғу-

лотлар орқали намойиш этиб берди. Семинар иштирокчилари олган билимлари асосида тармоқ имкониятларидан янада кенгроқ ва самарали фойдаланиш имконига эга бўлишди.

Неъматжон РАХИМОВ,
Наманган вилоят ХТВ мутахассиси

Tanlov

ЭНГ ЯХШИ ИНШОЛАР САРАЛАНДИ

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида юртимиздаги барча умумтаълим мактабларида иншо, расм ва шеърлар танлови ўтказилди.

Иншолар кўрик-танловиغا келган ижодий ишлар мавзуга мос режа асосида ёзилиши, шаклан ва мазмунан мукамаллиги, имло ва услубий саводхонлик сингари мезонлар асосида баҳоланди.

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан 1-, 2-, 3-ўринга муносиб иншолар Республика таълим марказига тақдим этилди. 40дан ортиқ иншо марказнинг филология фанлари бўлими мутахассислари томонидан ўрганилиб, таҳлил этилди ва Бухоро

ро шаҳридаги 39-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабининг 8-синф ўқувчиси Нилуфар Ашурова, Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги 1-умумтаълим мактабининг 8-синф ўқувчиси Шаҳзод Сафаров, Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 288-мактабининг 5-синф ўқувчиси Мадина Лутфуллаева 1-ўринга лойиқ деб топилди.

Комила УСМОНОВА,
Республика таълим маркази филология фанлари бўлими бош методисти

ЁШ ГЕОЛОГЛАР ОЛИМПИАДАСИ

Бухоро шаҳридаги 17-умумтаълим мактабида Ёш геологлар олимпиадасининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Ёшларни ушбу касбга йўналтириш, иқтидорли ва истеъдодли ўқувчиларни аниқлаш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Геология ва минерал ресурслар Дав-

лат кўмитаси Бухоро вилоят бўлими билан ҳамкорликда ташкил этилган танлов қиз-чин руҳда ўтди. Бухоро шаҳридаги 17-мактабининг 8-синф ўқувчиси Жавоҳир Саъдулла-

ев, 35-мактабининг 6-синф ўқувчиси Шаҳинабону Саломова ва Шойфиркон туманидаги 1-мактабининг 7-синф ўқувчиси Дилшод Ҳақимов ғолиб чиқиб, олимпиаданинг республика босқичига йўлланма олди.

С.ТОШЕВА
Бухоро вилояти

Festival

МАКТАБГА СПОРТ ЖИҲОЗЛАРИ

2008 йили фойдаланишга топширилган Булоқбоши туманидаги Бўстон қишлоғининг таълим қирғиз тилида олиб бориладиган 29-мактаб маънавий-маърифий марказга айланган.

Яқинда мактабда «Ўзбекистон — умумий уйимиз» шиори остида ўтказилган дўстлик фестивалига Республика байналминал маданият маркази ходимлари ташриф буюрди. Меҳмонлар ёш авлодин миллий ғояга садоқат руҳида қамол топтириш учун яратилган шароит би-

лан танишдилар. Ўқувчилар томонидан тайёрланган концерт дастури барчага манзур бўлди. Мактабга қимматбаҳо спорт жиҳозлари совға қилинди.

О.СИДДИКОВ
Андижон вилояти

МЕҲР-МУРУВВАТ — ҚАЛБ КЎЗГУСИ

Олмазор туманидаги 24-Меҳрибонлик уйида Мактабга муассасалар ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш республика ўқув-методика маркази тингловчилари иштирокида «Меҳр-мурувват — қалб кўзгуси» мавзусида ижодий учрашув бўлиб ўтди.

Тадбирда халқ оғзаки ижоди, миллий ашула ва рақслар гулдастасидан иборат концерт дастури намойиш этилди. Бадиий гимнастика чиқишлари, кўғирчоқ театри спектакли йи-

гиланларга ўзгача кайфият улашди.

Марказ тингловчилари савий-ҳаракатлари билан ота-она меҳрига ташна болаларга дидактик тарқатмалар, ўқув

қуроллари, эсдалик совғалари тақдим этилди.

Иштирокчилар болалар қалбига меҳр-муҳаббат, азалий қадриятларимизга ҳурмат туйғуларини уйғотишда миллий мусикамизнинг ўрни бекиёслигига ургу бериб, бундай тадбирлар уларнинг ақлий фаолияти ва руҳий тетиклиги учун хизмат қилишини таъкидладилар.

Гулбахор БОБОЁРОВА

Anjuman

ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

ёнғин хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади

Бугун юртимизда барча соҳаларга инновацион технологияларни жорий этиш орқали соҳа ривожига эришишга катта эътибор қаратилмоқда.

Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида «Илмий амалий масалаларни ечишда инновацион технологияларнинг аҳамияти» мавзусида конференция ташкил этилиши замирида ҳам мана шу мақсад ётибди. Мазкур илмий анжуманда Ички ишлар вазирлиги академияси, Тошкент олий ҳарбий техника билим юрти, Олий ҳарбий божхона институти, Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби профессор-ўқитувчилари ва тингловчилари ўз маърузалари билан қатнашдилар.

Анжуманда курсантларни илмий тадқиқот

ишларига янада кенгроқ жалб этиш, илмий-амалий масалаларни ечишда инновацион технологияларни қўллаш қўнқимчаларини ҳосил қилиш орқали мутахассислар тайёрлаш сифатини янада ошириш масалалари қўзланганлиги таъкидланди.

Анжуман мобайнида тингловчи-курсантларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлашга оид маърузалари иштирокчилар томонидан қизиқш билан тингланди.

Санобар ЖУМАНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Илгари мактабларда дарс деярли ягона қилиб асосида ўтилар эди: ўқитувчи уй ишини сўрайди, янги мавзунини тушуниради ва уйга вазифа тайинлайди. Машғулот чоғи фаол ўқувчилардан бир нечтаси иштирок этарди, холос. Дарснинг самараси эса мавҳумлигича қолаверарди. Айни пайтда илғор таълим технологиялари ишлаб чиқилмоқдаки, улар нафақат ўқувчини билим олишга, фаолликка ундайди, балки ўқитувчидан ҳам изланиш, ўз устида тинимсиз ишлашни талаб этади. Энг муҳими, бундай услублар бола мавзунини қай даражада ўзлаштирганини дарс охиридаёқ аниқлаш имконини беради. Бироқ эришилган ютуқлар билан қифояланиб қолиш ярамайди. Шу боис таълим сифатини такомиллаштиришга қаратилган педагогик технологияларни синовдан ўтказиш ҳамда амалда қўллаш мақсадида мамлакатимиздаги 28та мактабда тажриба-тадқиқот майдонлари ташкил этилган. 2011-2012 ўқув йилида уч босқичли тажриба-тадқиқот лойиҳасининг иккинчи — фаол босқичи амалга оширилди.

17 ЎҚИТУВЧИНИНГ 200дан зиёд дарс ишланмаси

Самарқанд туманидаги 2-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида тажриба-тадқиқот жараёнини мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳ бевосита назорат қилди. Ўқув йилида 13та синфда 17 нафар тадқиқотчи-ўқитувчи ўндан зиёд фан бўйича тавсия этилган ва ўзлари ишлаб чиққан 200дан ортиқ дарс ишланмаларини амалда сынаб кўришга муваффақ бўлди. Уларга барча зарур шарт-шароитлар яратилиб, моддий ва маънавий рағбатлантириб борилди. Чо-рак якунида тажриба-тадқиқот натижалари бўйича таҳлилий ҳисобот, тақлиф ва ҳулосалар педагогик кенгашларда муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

— Ҳуқуқшунослик фанига оид тавсияларда дарс услуби тўғри танланган, — дейди давлат ва ҳуқуқ асослари фани ўқитувчиси Гулбаҳор Омонова. — Масалан, 9-синф «Конституциявий ҳуқуқ асослари» фанидан «Ўзбекистон Республикасида молия ва кредит» мавзусида тавсия этилган «Ақлий ҳужум», «3x4» технологияси мамлакатимизда молия ва кредит тизимининг ҳуқуқий асосларини очиб беришда асқотди. Дарсни янада жонли ташкил этиш учун Фуқаролик кодекси асосида тайёрланган кўргазмани воситадан фойдаланганим ўқувчиларнинг мав-

тарқатма жадвалга ёзиб чиқилди. Сўнг жадвалларни ўзаро алмаштириб, бир-бирининг жавобларини текширишди. Бу усул дарсда олган билимларини мустаҳкамлашга ёрдам берди.

— Тажриба-тадқиқот майдони мактабимизда ташкил этилгани ҳам жамоамиз меҳнатининг бир эътирофидир, — дейди 2-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби директори ўринбосари Р.Жўрақулова. — Муассасамизда дарсларни қизиқarli ва самарали усулларда ўтаётган ўқитувчилар кўп. Бахтиёр Абдуллаев, Озода Бўронова, Муҳаббат Сатторова, Инобат Одилова, Мақсад Шамсиддинова, Мавлуда Маматқулова, Сарвиноз Алиева сингари тадқиқотчи-ўқитувчиларимиз машғулот-

Tajriba-tadqiqot maydonlarida

ри ва навбатдаги вазифалар» мавзусидаги ўқув-методик семинар ташкил этилди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан мутасадди вакиллар тадбирнинг биринчи кунини Термиз шаҳри ва туманлардаги тажриба-тадқиқот майдонлари фаолияти билан яқиндан танишдилар. Меҳмонларда, айниқса, 12-Меҳрибонлик уйи, Деңиз туманидаги 1-, Сарийосиё туманидаги 42-мактабдаги шарт-шароитлар, ўқитувчилар фаолияти катта таассурот қолдирди.

Иккинчи кунини эса Сарийосиё туманидаги 9-мактабда ташкил этилган мураккаб мавзулар

анжомлари жуда яхши сақланган. Ўқитувчилар сергайрат, ўқувчилар зукко. 9-мактабда биология фанидан Муяссар Мавлонованинг дарсига кирдим. Кўп йиллик тажрибага эга устознинг янги педагогик технологиялар асосидаги машғулоти барчамизга манзур бўлди.

Айниқса, чекка қишлоқ мактабда интернетга улланган компьютерлар ёрдамида дарс ўтилатгани, электрон дарсликлар таълим-тарбияга кенг жорий қилинганини семинар иштирокчилари алоҳида эътироф этишди. Дарҳақиқат, даргоҳда хориж тажрибаси асосида ва маҳаллий мутахассислар ишлаб чиққан дарс лойиҳалари пухта синовдан ўтказилмоқда. Хусусан, машғулотга тайёрланиш учун сарфланган вақт, ресурслар аниқ ҳисоб-китоб қилиниб, дарс самарадорлиги билан солиштириляпти.

— Мактабимиз табиий ва аниқ фанлар бўйича тажриба-тадқиқот майдони қилиб белгиланган, — дейди Термиз туманидаги 14-мактаб директори ўринбосари Ўғилшод Йўлдошева. — Бугун Сарийосиёдаги мактабда шу соҳада амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишдим. 8-синфда кимё фанидан Абдусаттор Ҳасановнинг очиқ дарсига кирдим. Хона намунали жиҳозланган, лаборатория машғулотлари учун шарт-шароитлар етарли. Ўқитувчи мавзунини замонавий педтехнологиялар асосида ўтиб, ўқта лаборатория ишини ўқувчилар иштирокида намунали намойиш этди. Ўқувчилар мавзунини тез ўзлаштириб, амалий машғулотларга киришиб кетишди. Дарс охирида мавзу юзасидан олинган тест натижасига кўра самарадорлик 73 фоизни ташкил этди.

Тажриба-тадқиқот майдонида синовдан ўтган педагогик технологияларни келгусида барча мактабларда кенг омма-лаштириш соҳада сифат ва самарадорликни таъминлаши шубҳасиз. Зеро, бугунги шиддаткор даврда ўз олдиға юксак мақсадларни қўйиб олға интилмаганлар ортда қолади.

Ҳаким Жўраев,
Норкуват Тўраев,
«Ma'rifat» мухбирлари

ТАЪЛИМ СИФАТИ ВА САМАРАДОРЛИГИ

доимий изланишни талаб этади

зуни тушунишини янада оsonлаштиради.

Технологик харитада вақт тўғри тақсимлангани, ўқувчиларнинг ёши, психологик хусусиятлари ҳисобга олингани ишланмаларнинг аҳамиятини янада оширмоқда. Кимё фанидан 7-синфда «Массанинг сақланиш қонуни», 8-синфда «Олтингургуртнинг кислородли бирикмалари, уларнинг олиниш хоссалари. SO₂, SO₃» мавзусидаги тавсияларда дарс жиҳози, слайдлардан фойдаланиш тартиби келтирилган. Лекин ишланмада слайдлар таркиби кўрсатилмагани ўқитувчинини ижодкорликка ундайди. Мураббий тажрибасига суянган ҳолда лойиҳани тўлдириб, тушунарли ҳолда дарсга татбиқ этса, албатта, самара беради.

Кимё фанидан тадқиқотчи-ўқитувчилар Дилором Камолова ҳамда Зулфия Ҳамидова ўтилган мавзунини тақдорлашда «Тушунчалар таҳлили»дан фойдаланишди. Ўқувчилар мавзуга оид атам ва фикрларини

ларда тавсия этилганларидан ташқари, ўз тажрибалари асосида ишлаб чиқилган интер-фаол дарс лойиҳаларини ҳам қўлламоқда. Натижада, ўқувчиларимиз фан олимпиадаси ва билимлар беллашувида юқори ўринларни эгаллашмоқда. Бу ҳам таълим самарадорлиги ошаётганидан далолат.

ОММАЛАШТИРИШГА ТАВСИЯ ЭТИЛДИ

Сурхондарё вилояти Сарийосиё туманидаги 9-мактабда ҳам табиий ва аниқ фанлар бўйича илғор дарс усуллари синовдан ўтказилиб, амалиётга жорий этилмоқда.

Замонавий моддий-техник базага эга, педагогик жамоаси салоҳиятли мутахассислардан иборат ушбу маскандаги илғор тажрибаларни ўрганиш мақсадида Республика таълим маркази ва вилоят халқ таълими бошқармаси ҳамкорлигида «Таълим жараёнига педагогик технологияларни татбиқ этиш бўйича тажриба-тадқиқот ишларининг натижа-

бўйича очик дарсларни кузатишди.

Таҳлил чоғида олий тоифали физика фани ўқитувчиси Жаббор Фаттоевнинг «Товуш катталари», географиядан Раҳабза Қораеванинг «Хоразм вилояти», биологиядан Муяссар Мавлонованинг «Приматлар туркуми, сут эмизувчиларнинг аҳамияти», математикадан Мавлуда Сатторованинг «Бир номтаълим биринчи даража-ли тенгламалар», кимё фанидан Абдусаттор Ҳасановнинг «Фосфорнинг кислородли бирикмалари» мавзусидаги дарси намунали деб баҳоланди. Ушбу машғулотлар кенг омма-лаштиришга тавсия этилди.

— Вилоятдаги бир қанча таълим муассасаларида бўлди, — дейди семинар таассуротлари ҳақида Қорақалпоғистон Республикаси Ўқув-методика маркази директори Кенесбой Сулайманов. — Бу ердаги шарт-шароитлар шаҳар мактабларидагидан асло қолишмайди: замон талаблари асосида жиҳозланган, ўқув



БИТИРУВЧИЛАРНИНГ ИШ ЖОЙИ ТАЙИН

Мухтор Ашрафий номидаги Бухоро санъат коллежида 463 ўқувчи фортепиано, торли ва халқ чолғулари, хонандалик, эстрада, мусиқа назарияси, актёрлик, хореография каби йўналишларда сабоқ олмоқда. Ушбу замонавий таълим масканига тажрибали ўқитувчи-мураббийлар жалб қилингани ўқув ва амалий машғулотлар юқори савияда ўтишига хизмат қилаётир.

Коллежда битирувчиларни барқарор ва кафолатли иш ўринлари билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, жорий ўқув йилида коллежни битирадиган 113 нафар йигит-қизнинг 108 нафарига иш жойи тайин. Ушбу мақсадда вилоятдаги олтинчи яқин мактабгача таълим муассасалари ва умумтаълим мактаблари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари, шаҳар ва туманлардаги маданият уйлари билан уч томонлама шар-тнома тузилган.

Суратда: Бухоро санъат коллежи ўқувчилари (чапдан) Муслимбек Ҳамдамов, Санжар Бекмуродов, Мухриддин Аҳмедов, Шарофат Тешева ва Муслимбек Жўраев.

Тоҳир ИСТАТОВ (ЎЗА) олган сурат.

МАКТАБЛАРГА УСЛУБИЙ ЁРДАМ

институт профессор-ўқитувчилари
томонидан кўрсатилмоқда

Биринчи ярим йилликнинг охири кунлари эди. Ҳадемай ўқувчиларга чораклик баҳолар чиқарилиши керак. 2-«Е» синф ўқитувчиси Саодат Жўракулова раҳбарларининг огоҳлантиришига кўра тасвирий санъат дарсига пухта тайёргарлик билан кирди. Мактабга «комиссия» келар экан.

Орқа парталардан бирида меҳмон жойлашди. У Тошкент шаҳар педагог ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти ўқитувчиси Дилором Абдурахмонова эди. Дарсга кириб, ўқитувчининг ўқитиш услубини таҳлил қиладиган меҳмонлар кўп келишади. Табиийки, бундай пайтда муаллимлар ҳаяжонланишади, кимдир сенинг ҳар бир хатти-ҳаракатингни кузатиб турганини ҳис қилиш, чиндан ҳам, одами нуқул аҳволга солади-да.

Саодат Жўракулова дарс мавзуси — «Жонли объектида натурморт чизиш»ни доскага чиройли қилиб ёзди. Кўргазмалар кул сифатида олма, кўза, парда акс этган манзарани илб қўйди. Муаллима мавзуга қисқатгина тўхталиб, ҳар бир болани расм чизишга ундади. Кимникидир ўхшади, яна бириники ўхшагандай бўлди, қайсидир бола умуман чизолмади.

Дарс ниҳоясига етгач, институт вакили Дилором Абдурахмонова ўқитувчига методик-услубий кўрсатмалар берди. Тасвирий санъат дарсида доскага ёзилган сана ва мавзунинг болалар расм дафтарига кўчириши керак эмас экан. Бу ҳақда Саодат аввалдан билмагани учун меҳмонга миннатдорлик билдирди.

... Дарвоқе, Сергели туманидаги 268-умумтаълим мактабига Тошкент шаҳар педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти профессор-ўқитувчиларининг методик-услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида ташриф буюрганидан ўқитувчилар миннатдор. Бу ҳақда директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Зулфия Эгамбердиева шундай дейди:

— Муаллимларимиз ўз дарсларига кузатувчи бўлиб кирган институт профессор-

ўқитувчиларидан ўқувчилар билан ишлаш, фанлараро боғланишга аҳамият бериш, бошлангич синфларда кўпроқ ўйин дари ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар олишди. Улар-

Jarayon

нинг беғараз ва беминнат ёрдами туфайли мактабимиз аттестацияда юқори балл олишга муваффақ бўлди. Ўқитувчиларнинг билим даражаси ва тажрибасини синовдан ўтказувчи бу жараёнда ҳам ана шу ёрдамнинг ижобий таъсирини сездик. Шаҳар халқ таълими бошқармаси тавсиясига кўра, пойтахтимиздаги 40та умумтаълим мактабига институт кафедралари, бўлимлари томонидан амалий ёрдам кўрсатиш, аслида, 2010-2011 ўқув йилидан бошланган эди. Ана

шу ташаббус жорий ўқув йилида ҳам давом эттирилиб, умумтаълим мактаблари педагогик жамоалари институт доцент ва профессорларидан энг зарур маслаҳат ва йўл-йўриқ олишди. Ҳар бир мактабда таълим-тарбия жараёнига тўсиқ бўлаётган, салбий таъсир билдирган етук кадрларнинг мактабга ташрифи ижобий натижа беради.

— Бу ишни биз шунчаки расмийлик учун қилаётганимиз йўқ. Аслида, ҳар ўқув йили мобайнида 5 мингдан зиёд тингловчини малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларига жалб қилишнинг ўзи ҳам катта куч

ва ҳаракат талаб қилади. Шаҳар халқ таълими бошқармасидан берилган маълумотга кўра, билимлар беллашувининг иккинчи босқичида паст натижаларни қайд этган бир қанча умумтаълим мактабларига услубий, амалий ёрдам кўрсатиш чора-тадбирлар режасини тасдиқладик. Ҳар бир мактаб учун ҳафталик муддат белгиланиб, профессор-ўқитувчиларимиз тайёрлаган услубий қўлланмалар, тавсияномалар, кўргазмалар куллардан тарқатма материаллардан ташқари очик дарс тафсилоти ёзилган CD-дисклар тақдим этилди. Ўз фани бўйича илмий тадқиқот олиб борган, соҳага оид энг сўнгги янгиликлардан хабардор кадрларимиз дарсларга кирдилар. Мақсад мактаб ўқитувчиси фаолиятида учраётган камчиликларни аниқлаб кимгадир етказиш эмас, балки унга чин кўнгилдан ёрдам кўрсатиш бўлди. Мана, ўқув йили тугаб, мактабларда сўнгги кўнгироқ чалинди. Ҳалигача институт раҳбарларига, кафедраларига миннатдорчилик кўнгироқлари бўлиб турибди, — дейди ушбу жараёнга бош-қош бўлган институт ректори, педагогика фанлари доктори, профессор Ҳамидулла Йўлдошев.

Хулқар ТҲИМАНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

ГЛОБУСНИ БИЛГАН ГЛОБАЛ МИКЁСДА ФИКРЛАЙДИ...МИ?

Буюк бобокалонимиз Абу Райҳон Беруний диаметри беш метрлик ярим шардан иборат биринчи глобус — сайёрамизнинг кийрайтирилган моделини яратгач, Ер қурраси ҳақидаги тасаввур янада аниқлашди.

— Европада эса дастлабки глобусни немис олими Иоганн Кеплер ясаган. Денгиз саёхатлари ҳам айна шу даврдан бошланган, — дейди Яққоб тума-нидаги 4-ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг тарих ва ҳуқуқ фани ўқитувчиси Парда Холиқов. — Фурсат ўқитиш билан ушбу мослама мукаммаллашиб борган. XVIII-XIX асрларга келиб, глобусдан нафақат илмий асбоб, балки ўқув қуроли сифатида ҳам фойдаланила бошланди. Айниқса, тарихий жойларга оид мавзуларни ўқувчиларга тушунтиришда глобуснинг ёрдами катта.

Дарҳақиқат, назарий билимни ёшлар онгига амалиёт ва кўргазмалар воситалари орқали сингдириш таълим самарадорлигини оширадиган омиллардан бўлиб, «Ziyo Globus» хусусий корхонаси саккиз йилдан бери шу ишга имкон қадар ҳисса қўшиб келмоқда. Аввалига ишлаб чиқарилган глобуслар таниш-билишлар ва аълочи ўқувчи-ёшларга совға қилинди. Маҳсулот сифатли ва чидамли бўлгани боис ўз-ўзидан буюртмалар кўпая бошлади. Айни пайтда олий ўқув юрталари, коллеж, лицей ва умумтаълим мактабларига 1:50 000 000 масштабда беш турдаги глобуслар етказиб берилаяпти. Харитадаги маълумотлар илмий асосланган бўлиб, нархи арзонлиги истеъмолчиларни қониқтирмоқда.

— Глобусдан фойдаланаётган ўқувчиларнинг кўриб завқлангани, — дейди корхона раҳбари Дилмурод Исроиллов. — Таълимда кўргазмалар кул-

лар қатори глобусдан ҳам самарали фойдаланиш ва харита билан ишлаш болаларнинг тафаккурини кенгайтириб, ижодий фикрлаш қобилиятини ўстиради. Тадбиркорлигимиз фақат моддий манфаат учун эмас, ёшларимизнинг баркамол бўлиб вояга етишига ҳам хизмат қилаётганидан мамнунмиз.

Билимлар беллашувининг республика босқичида ўқувчиси 1-ўринни олган Учқўрғон туманидаги 8-мактабнинг география фани ўқитувчиси Нурмуҳаммад Нишоновдан глобуснинг таълим самарадорлигига таъсири хусусида сўрадик.

— Ўқувчиларнинг сайёрамиз ҳақидаги тасаввурларини бойитишда глобуснинг аҳамияти беқийс. Харитада ернинг текис юзадаги тасвири акс этса, глобусда меридиан ва параллеллар аслига яқин тасвирланади. Мактаб ўқув глобуси уч хил — йирик, ўрта, майда масштабда бўлади. У орқали ернинг ҳақиқий кўринишини тасаввур этиш мумкин. Ўқувчиларни илмий фикрлашга ўргатишда глобус энг самарали кўргазмалар воситалардан ҳисобланади. Мисол учун, Ернинг ўз ўқи атрофида айланиши ҳақидаги фикрни асослашда теллурий асбобидан фойдаланиб, глобус ёрдамида фаслар, тун ва кун тўғрисида аниқроқ тасаввур бериш мумкин.

Дунёдаги энг катта рельефли глобуслардан бири Ўзбекистон Миллий университетининг география факультетида сақланади. Уни Ҳамидулла Ҳасанов раҳбарлигида И.Е.Ошев яратган. Глобуснинг оғирлиги 500 кг., баландлиги 2,5 метр, диаметри эса 2 метрга тенг.

Шоира БОЙМУРОДОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Самарқанд тиббиёт
институти магистранти
Икром Ўринбоев томо-
нидан сон суягини ос-

Tadqiqot

теосинтезлаш қурилмаси яратилди. Ушбу қурилма сон суяги синиши оқибатида жароҳат олган беморнинг дастлабки жарроҳлик босқичида кейинги даволаниш жараёнидаги муолажа самарали бўлиши ва тезроқ соғайишга йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир. Ихтиро учун ўтган йили Давлат патент идораси томонидан патент берилди.

— Турли қутилмаган вазиятлар, автоҳалокатлар туфайли сон суяги сини-

радорлигини билиш мақсадида виллят ортопедия ва шикастланиш оқибатлари шифохонасида даволанаётган турли ёшдаги бир неча беморлар билан клиник кузатувлар олиб борилди. Орадан маълум вақт ўтгач, соғайиш самарадорлиги юқори эканлиги аниқланди.

— Ушбу штопорнинг афзалликлари қуйидагилардан иборат, — дейди Икром Ўринбоев. — Штопорнинг резба қисми унинг умумий узунлигининг учдан икки қисмини ташкил этади. Бунда суякнинг ҳаракатсизлантирилиши ва жипслашиш (фиксация) янада мустаҳкамланади. Шунингдек, резба қисми-

САМАРАЛИ СОҒАЙИШ ЧОРАСИ

ши оқибатида жароҳат олган беморларнинг муолажалардан кейин ҳам оёққа туриши қийин кечади, — дейди Икром Ўринбоев. — Ана шу жараёни тезлаштириш, беморларнинг тезроқ соғайиши учун шифокорларимиз даволашнинг турли усулларидан фойдаланишади. Шулардан энг оммалашган усул 1974 йилдан буён қўлланилиб келинаётган Сивашнинг штифт штопори сон суяги кустлар аро ва кустлар ости синишларини жарроҳлик йўли билан даволашда яхши самара берган эди. Лекин йиллар ўтиб, ўрганишлар натижасида унда ҳам бир қатор камчиликлар борлиги аниқланди. Жумладан, штопор фақатгина 8 хил ўлчамда чиқарилган бўлиб, у ҳар бир бемор учун индивидуал эмас. Бу эса беморнинг синган сон суягига ўрнатилганда кўплаб нуқулалликларга олиб келарди. Устозларим — тиббиёт фанлари доктори Алишер Ҳамроев ва тиббиёт фанлари номзоди Шомухаммад Шорустанов билан маслаҳатлашган ҳолда Сиваш типлидаги индивидуал штопор яратишга эришдик.

Ушбу қурилмада Сивашнинг штифт штопоридаги камчиликларни бартараф этишга, шунингдек, ҳар бир бемор учун қулайликлар яратишга эътибор қаратилган. Янги мосламанинг сама-

да вертикал ариқча бор. Бунда бемор сон суягига штопор қўлланилган вақтда суяк ичи босимини мўътадиллаштирилади. Муолажа жараёнида ҳам суяк ичида моддалар алмашинув жараёни давом этади. Яна бир жиҳати, штопорнинг дистал (уч) қисмининг ўткирлашганлиги, яъни бемор сон суяги каналининг анатомик тузилиши ҳисобга олингани боис уни ўрнатиш вақтида қийинчиликларга дуч келинмайди. Бундан ташқари, штопор тепа (проксимал) қисмидаги пружина таянч қисмининг диаметри катталлиги, яъни компрессияловчи пружинанинг тепадан чиқиб кетмаслиги ва штопор суякка ботмаслигида намойиш бўлади.

Ихтирочи Икром Ўринбоев ҳали ёш бўлишига қарамай, виллят ортопедия ва шикастланиш оқибатлари шифохонасининг йирик бўлимлар ва ортопедия бўлимининг қўли енгил ортопед-травматолог врач сифатида фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, у Тошкент тиббиёт академияси травматология-ортопедия нейрорхирургия кафедрасида изланувчи сифатида соҳадаги мазкур йўналиш бўйича илмий тадқиқотларни ҳам амалга оширмоқда.

Ҳаким ЖҲҲАЕВ,
«Ma'rifat» мухбири

Ким, қайси соҳада хизмат қилмасин, у маълум маънода касабга уюшмалари ҳаётига дахлдор, яъни мазкур ташкилотнинг аъзоси ҳисобланади. Шундай экан, жабҳадаги ўзгаришлардан огоҳ бўлмоғи даркор. Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касабга уюшмаси марказий кенгаши раиси Равшан Бедиллов билан уюштирган мулоқотимиз кўпчиликини қизиқтирган мавзуларга қаратилди.

— Тизимдаги янгиланишлар ва бундан кўзда тутилган мақсадлар хусусида сўзлаб берсангиз.

— 2011 йили касабга уюшмаси тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилган ишларнинг давоми тарзида, шунингдек, янги «Касабга уюшмалари картаси» тасдиқланганлигини инобатга олиб, Ўзбекистон касабга уюшмалари федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2012 йил 26 январдаги 5—1-сонли қарори тав-

аммоларини чуқур биладиган ва уларни ҳал этишга интиладиган ходимларни жалб этиш асосий тамойилларимиздан бири эканлигини унутмаслигимиз керак.

Тизимдаги ўзгаришлардан кўзланган асосий мақсад таълим, фан ва маданият ходимлари касабга уюшмаси ташкилотлари томонидан ижтимоий шерикликни ривожлантириш, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, улар

Бош келишувда томонлар куйидаги йўналишлардаги мажбуриятларни ўз зиммаларига олдилар:

иқтисодий, ишлаб чиқариш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш;

меҳнатга ҳақ тўлаш, даромадлар ва турмуш даражасини ошириш;

меҳнат бозорини ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш;

меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлигини таъминлаш; ижтимоий кафолатлар, ижтимоий ҳимояни амалга ошириш;

маънавий-маърифий ишлар, жисмоний тарбияни оммалаштириш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш; ижтимоий мулоқот ва иж-

Kasaba uyushmalari hayotidan

аъзосининг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва интеллектуал манфаатлари қамраб олинган.

— Маълумки, ўқитувчиларимиз навбатдаги меҳнат таътили арафасида турибди. Улар қаерларда, қайси санаторий ва пра-филаторийларда дам олиши, саломатлигини тиклаши мумкин?

— Республика таълим, фан ва маданият муассасалари ходимлари меҳнат таътили даврида шифокор тавсияси асосида Ўзбекистон касабга уюшмалари федерациясининг курортлар бoshqarmasi тасарруфидagi 16та санаторийда соғлиқларини тиклашлари мумкин. Масалан, Тошкент шаҳрида-

— Ўзбекистон касабга уюшмалари федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2012 йилда ёзги соғломлаштириш мавсумига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш, болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш тизимини такомиллаштиришга доир қарорига асосан, тегишли чора-тадбирлар қабул қилиниб, тармоқ тизимидаги барча бўғин касабга уюшма ташкилотларига ижро учун юборилди.

Мазкур қарорда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар кенгашлари, Ўзбекистон Фанлар академияси ва Тошкент шаҳар таълим, фан ва маданият муассасалари хо-

ИНСОН МАНФААТИ УСТУВОР

сияларига асосан касабга уюшмаси туман, шаҳар бирлашган кўмиталари туман, шаҳар кенгашларига айлантирилди. Бунга сабаб Ўзбекистон маданият ходимлари ва Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари тармоқ касабга уюшма ташкилотларининг бирлаштирилиши муносабати билан олий ва ўрта махсус таълим, халқ таълими, маданият ва спорт соҳалари ҳамкорликда фаолият олиб борувчи тизим яратилди. Демак, бирлашган кўмиталар ваколати бунинг учун етарли бўлмай қолди. Яратилган муҳит ва давр талаби ҳамкорлик доирасини кенгайтириш, бошқариш тизимини такомиллаштириш, яъни кенгаш ташкил этишни тақозо этди.

Шу ўринда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар касб-хунар таълими бирлашган касабга уюшма кўмиталари фаолияти тугатилганлиги ва уларнинг касабга уюшма хизматида бўлган ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари касабга уюшма ташкилотлари тегишли туман, шаҳар тузилмалари касабга уюшма хизматида ўтказилиши ҳам асосий сабаблардан бири эканлигини таъкидлаш жоиз. Айни пайтда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари касабга уюшмаларининг ҳудудий ташкилотлар хизматида ўтказилиши билан бошқарувнинг енгиллашуви ҳамда юқори ташкилот билан бошланғич ташкилотлар манзиллини яқинлаштириш асосий мақсадлардан биридир. Кези келганда таъкидлаб ўтмоқчиманки, касабга уюшмаси кадрлар таркибини чуқур таҳлил қилиб чиқиш, тизимга малакали, тажрибага эга, ғайратли, соҳа му-

ўртасида маданий-маърифий ва спорт тадбирларини ташкил этиш ҳамда касабга уюшмаси уставига белгиланган бошқа вазифаларни ҳозирги замон талаблари даражасида амалга ошириш доирасини янада кенгайтиришдан иборатдир. Бир сўз билан айтганда, жабҳадаги ҳар бир янгиланиш, уриниш биринчи навбатда инсон манфаатлари устуворлигини таъминлашга йўналтирилган.

— Бош келишувнинг мазмун-моҳиятини атрафлича изоҳлаб берсангиз.

— Маълумки, ходимлар учун меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатларининг энг қуйи чегараси қонунлар билан белгилаб қўйилади. Қонунлардагига нисбатан қўшимча меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатлари тегишли меъёрий ҳужжатлар, жумладан, жамоа келишувлари, жамоа шартномалари, ходим ва иш берувчи ўртасида тузилган меҳнат шартномаси ва бошқа локал ҳужжатлар билан белгиланиши мумкин. Албатта, бунга асос бўлиб хизмат қилувчи ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамаси, Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Ўзбекистон савдо-саноат палатаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича уч томонлама имзоланган Бош келишув ҳисобланади. Ушбу ҳужжат Ўзбекистон Конституцияси ва қонунчилиги асосида мамлакат Президенти томонидан мустақил давлатимиз манфаатлари ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинлигига устуворлик бериш бўйича белгиланган стратегик кўрсатмаларни амалга оширишга хизмат қилади.



Ўқувчилар ёзги оромгоҳда

тимой шерикчиликни ривожлантириш;

келишувнинг амал қилиши, уни амалга ошириш механизми ва бажарилиши учун тарафларнинг жавобгарлиги.

Бош келишув асосида Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касабга уюшмаси Марказий кенгаши ҳамкор вазирлик ва идоралар билан 2012—2014 йиллар учун тармоқ келишувларини тузган. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари ҳамда Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази билан тузилган тармоқ келишувларини ҳудудий ва туман, шаҳар кенгашлари тегишли бошқарма, бўлим ва муассасалар билан имзоладиган жамоа шартномаларига асос қилиб олади.

2012 йили тармоқ тизимида юридик шахс сифатида фаолият юритаётган 18132та муассасада жамоа шартномалари имзоланган бўлиб, улар орқали 1084755 нафар касабга уюшмаси

ги «Турон», «Чинобод», Тошкент вилоятидаги «Бўстон», «Ботаника», «Чотқол», Фарғона вилоятидаги «Чимён», Намангандаги «Чортоқ», Қашқадарёдаги «Қашқадарё соҳили», Бухородаги «Моҳи Хоса» ва ҳокзо.

— Ўқитувчи учун неча йилда бир бора бундай муассасаларда дам олиши учун имтиёзли йўлланмалар ажратилиши мумкин? Мазкур имтиёз тартиби хусусида тушунча берсангиз.

— Ўзбекистон касабга уюшмалари федерацияси Кенгаши томонидан ишлаб чиқилган йўриқномага асосан ҳар бир ходим санаторийда дам олиб қайтгач, уч йилдан кейингина имтиёзли йўлланма олиш ҳуқуқига эга. Бунинг учун у ўзи меҳнат қилаётган бошланғич касабга уюшма ташкилотига ёзма ариза билан мурожаат қилиши керак.

— Ёзги таътили болажонларимиз ҳам интизор бўлиб кутишади. Уларнинг мароқли ва мазмунли ҳордиқ чиқариши учун бу йил қандай янги ури-нишлар бўлаётир?

димлари бирлашган касабга уюшма кўмиталарига:

— тармоқ тизимидаги тегишли бошқарма, идора ва муассасалар билан ҳамкорликда ходимлар фарзандларини дам олдириш ва соғломлаштиришни янада ривожлантиришнинг истиқболдаги режаларини тузиш ва шу асосда фаолият олиб бориш;

— тасарруфларида мавжуд оромгоҳларни ёзги мавсумга тайёрлаш ва уларнинг тўлақонли фаолият юритишини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни белгилаш;

— халқ таълими бошқармалари, тегишли идора ва муассасалар билан ҳамкорликда кундузги оромгоҳлар ташкил этиладиган таълим муассасаларида болалар учун яратилган шароит ва қулайликларни қайта ўрганиб чиқиш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш вазифалари юклатилди ҳамда ижроси назоратга олинди.

Ҳозирги кунда тармоқ касабга уюшма ташкилотлари томонидан тегишли давлат идоралари, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда болаларнинг ёзги дам олиш мавсумига тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касабга уюшмаси Марказий кенгаши Бўстонлик туманидаги Юсуфхона қишлоғида 152 ўринли «Нихол» болалар соғломлаштириш оромгоҳини қайта қуриш ишларини бошлаб юборган. Бу сайёҳаракатларнинг барчаси фарзандларимизнинг ёзги таътилни мароқли ўтказишларига қаратилган.

Ойбун ОЧИЛОВА
суҳбатлашди.

Юртимизда болаларнинг ҳуқуқлари, эркинлик ва қонуний манфаатлари, ҳаёти, соғлигини муҳофаза қилиш, жисмоний, интеллектуал, маънавий ва ахлоқий камол топишига қўмаклашиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар ўртасида яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси спортни ривожлантириш, гуманитар, тиббий-соғломлаштириш, маданий-маърифий, ўқув-таълимий каби қатор йўналишларда фаолият олиб бораётир.

Жамғарма ташаббуси, Вазирлар Маҳкамаси қарори билан мамлакатимизда тиббий-ижтимоий патронаж тизими ташкил этилди. Бу эса ҳар бир оилада соғлом ҳаёт тарзини шакллантириш, тиббий маданиятни ошириш, ижтимоий-психологик ёрдамга, ижтимоий-ҳуқуқий муҳофазага муҳтож аёллар ва болаларга қўмак беришда қўл келмоқда. Жамғарма ҳомийлигида ташкил этилиб, энг замонавий диагностика асбобуналар билан жиҳозланган Тиббий ижтимоий марказнинг иш бошлагани патронаж тизими фаолиятини янги босқичга кўтарди.

— Хорижий мамлакатлар билан тиббий соҳасидаги алоқаларимиз изчил ривожланмоқда. Хусусан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Германиянинг «Фриденсдорф Интернейшнл» халқаро хайрия ташкилоти билан ўн йилдан буён ҳамкорлик қилиб келаямиз, — дейди жамғарманинг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи Жумабек Нуров. — Ўтган йили «Фриденсдорф Интернейшнл» ташкилотининг моддий қўллаб-қувватлови билан 14 ёшгача бўлган 500 нафар бемор бола республикамизнинг турли клиникаларида: Тошкент тиббиёт академияси, Бухоро, Қашқадарё, Фарғона, Андижон вилоятларидаги кўп тар-

моқли болалар тиббиёт марказларида операция қилинди. Лойиха доирасида ўтган 6 йил давомида 3000 нафарга яқин бола соғломлаштирилди. Жараён бугун ҳам тўхтагани йўқ.

Ҳозир бемор болалар даволаниш учун Германия ва Жанубий Корея давлатларига юборилмоқда. Кимлар хорижда даволаниши мумкин, деган савол туғилиши табиий. Аввалло, сийдик йўллари, юз-жағ, ошқозон-ичак ва орқа чиқарув ҳамда генетал соҳасида тўғма нуқсонли болалар, шунингдек, тананинг чандиқли ва остеомиелит асоратлари бўлган беморлар тиб-

ЖАМҒАРМА ИНСОНПАРВАРЛИК КЎРСАТАДИ

бий кўрикка таклиф этилади. Республикада клиникаларида даволаш имконияти бўлмаган, 12 ёшга қирмаган болалар хорижий мутахассисларнинг тиббий кўрик хулосасига кўра сараланади. Неврологик, соматик, консерватив муолажага муҳтож болалар, бош миё ва умуртқа поғонаси ўсимтаси, тўғма юрак нуқсонлари операцияси, органларни кўчириб ўтказиш (лейкоз, буйрак) билан боғлиқ операциялар, сон суюгининг тўғма чиқиши, болалар церебрал фалажлиги ташхиси қўйилган беморларни тиббий кўрикка таклиф этиш тавсия қилинмайд.

Лаб ва танглай тўғма нуқсонли, ортопедик оёқ (X ва Усимон оёқ ва бўйин кийиқлиги) ҳамда қуйишдан кейинги тананинг турли чандиқли нуқ-

сонлари бор 14 ёшгача бўлган бемор болаларни республикамиз клиникаларида даволашга жамғарма томонидан ёрдам кўрсатилади.

2011 йилнинг 29 август куни «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Ташқи ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Жанубий Кореянинг «Save the Children» хайрия ташкилоти ҳамкорлики янада кенгайтириш юзасидан битим имзоланганди. Унга кўра, Тошкент педиатрия тиббиёт институти

қилиб юра бошлаганида бахтсиз тасодиф туфайли куйиб қолганди, — дейди Бекобод туманида яшовчи Ҳасан Қўлмуродов. — У қўл-оёқ ва қорнидаги қуйиш асоратларидан қийналарди. Ўғлимнинг ҳолати билан боғлиқ нозик операциялар республикамиздаги шифохоналарда ҳозирча ўтказилмас экан. Бизга ривожланган чет давлатларда даволаниш мумкинлигини айтишди. Аммо бунинг ўзи бўлмасди... Ошна-оғайнилар билан маслаҳатлашиб, ушбу масалада «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг туман бўлимига мурожаат қилдик. Шахзод жамғарма кўмагида Германияда даволаниб қайтди. Ҳозир аҳоли анча яхши, мактабга борапти. Ҳаётга бўлган муҳаббати кундан-кун ортиб бораётганини кўриб, ич-ичимдан суюнман.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси фаолиятида халқимизга хос инсонпарварлик, меҳр-мурувват мужассамлашган. Зотан, «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да таъкидланганидек, фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқи ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга қўмаклашмоқда.

Дилшод КАРИМОВ,
«Ma'rifat» мухбири

ЮЗ ЭШИТГАНДАН БИР КЎРГАН АФЗАЛ

ёхшуд таълим самарадорлигини оширишда ўқув-
лаборатория машғулотларининг ўрни хусусида

Кимё фанини ўзлаштираётган ўқувчи назарияни эшитиш орқали ўргангани билан мавзуга тааллуқли маълумотлар вақт ўтган сайин ҳаёлидан кўтарилиши мумкин. Лаборатория машғулотларининг муҳим хусусияти шундаки, ўқувчи дарсликда ўқиган ва аудиторияда тинглаб тасаввур этган жараён энди кўз ўнгидан содир бўлиб, назарий билими хотирадан мустаҳкам ўрин эгаллайди. Шунингдек, ҳар бир дарсни бевосита кундалик ҳаётини мисоллар билан бойитиб, боғлаб ўтиш орқали ҳам юқори самарадорликка эришилади. Масалан, кимёвий жараёнларни тушунириш учун рўзгор шароитида тузнинг эриши, со-
вуннинг кўпириши, сувнинг қайнаши кабиларни мисол келтириш мумкин. Эътиборлиси, бу каби содда тажриба машғулотларини ўқувчилар уй шароитида ҳам амалга ошира олади.

Дарснинг назарий қисмида унчалик фаол бўлмаган ўқувчилар ҳам аини лаборатория жараёнида катта қизиқиш билан иштирок этишади. Лаборатория машғулотида бошлаганимиз захоти диққат билан нима содир бўлишини кузатишади ва яқуний хулосасани олдиндан таҳлил қилиб, фикрлай бошлашади. Зеро, тажрибада бўлаётган ҳодисалар болаларга олам ҳақида аниқроқ тасаввур беради. Касб-ҳунар коллежларининг 1-курс ўқувчиларига кимё фанидан 16 соат лаборатория, 6 соат амалий иш ва 58 соат мавзуза учун вақт ажратилган. Мана шу кўрсаткич ҳам лаборатория машғулотида ўқув жараёнида аҳамиятлилигини билдиради. Нафақат лаборатория дарсларида, балки ҳар бир назарий дарсда ҳам лаборатория машғулоти ўтказиш лозим. Масалан, биринчи курс ўқувчилари учун «Дисперс системалар» мавзуси ўтилди. «Дисперс» сўзи

лотинчадан олинган бўлиб, «тарқалмоқ» деган маънони билдиради. Дарснинг самарадорлиги ва сифатини ошириш учун туپроқ заррачаларининг сувда тарқалиб, лойқа сув ҳосил қилиши, бунда сув — дисперс муҳит, туپроқ заррачалари — дисперс фаза ҳисобланишини мисол қилиб келтирсангиз, ўқувчининг тасавури аниқлашади, ҳеч қийинчиликсиз мавзунини ўзлаштиради.

«Гидролиз жараёни» мавзуси ўтилганда эса тузларнинг хоссалари кўрсатилади. Эътибор қилсангиз, ташқи кўринишидан тузлар бири-бирдан фарқланмайди. Биринчи пробиркага натрий карбонат, иккинчи пробиркага алюминий сульфат, учинчи пробиркага эса

натрий хлорид тузиди солаемиз. Энди пробиркаларга сув қуямиз. Эриш жараёни тугагандан сўнг индикаторни эритмага ботирамиз. Биринчи пробиркадаги эритма индикаторни кўк рангга бўяйди. Иккинчи пробиркада пушти рангга бўялади. Учинчи пробиркада эса ўзгариш бўлмайди. Шундай қилиб, тузларнинг хоссаларини назарий дарсларда ҳам кузатиш мумкин.

Касб-ҳунар коллежларидаги кимё лаборатория хоналари зарур жиҳозлар билан таъминланган. Яратилаётган шарт-шароитлардан тўла ва оқилона фойдаланиб, дарсдан ташқари қўшимча ва тўғрақ машғулотларида ҳам лаборатория ишлари кўпроқ ташкил этилса, ҳар бир мавзу табиатда, атрофимизда кечаётган кимёвий жараёнлар билан боғлаб тушунирилса, дарслар сабоқ ўқувчи учун янада қизиқарли ва мазмунли бўлади. Қолаверса, болаларнинг тасавури ҳам бойийди.

С.ДҲҲМООВА,
Термиз ахборот технологиялари
ва маиший хизмат касб-ҳуна
коллежнинг кимё фани ўқитувчиси



2011-2012 ўқув йили якунланаётгани муносабати билан умумтаълим мактабларида фан олимпиадаси, билимлар беллашуви, спорт мусобақалари ва кўрик-танловларда фаол иштирок этган ўқувчи ва ўқитувчиларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратиламоқда. Шундай тадбирлардан бири Юнусобод туманидаги 97-умумтаълим мактабда ҳам ташкил этилди.

— Бу йил турли танлов ҳамда мусобақаларда кўп ўқувчиларимиз совриндорлар қаторидан жой олди, — дейди мактаб директори Мукаррам Салимова. — Фан олимпиадаси ва билимлар беллашувида юқори кўрсаткичларни қайд этган Нигора Ўринова, Мухриддин Ўринов, Шерзод Ғуломов, Шухрат Худойбергановга faxрий ёрликлар топирилди. Бу эътибор уларни келгусида янада улкан муваффақиятлар сари ундайди.

Шунингдек, кимё фани ўқитувчиси Айше Ибрагимова «Халқ таълими аълочилиси» кўкрак нишони, математика фани ўқитувчиси Муқаддас Юсупова ўқувчиларни билимлар беллашувига тайёрлашдаги фаоллиги учун faxрий ёрлик билан тақдирланди.

Б.РИЗОКУЛОВ олган сурат.

БИЛИМ ЭГАЛЛАШ ПАРТАГА БОҒЛИҚ ЭМАС!

Мактаб ўқувчиси эдим. Синфдошларимнинг кўпчилиги биринчи партада ўтиришни истарди. Ҳаттоки ота-оналари ҳам ўқитувчимизнинг ёнига шу масала юзасидан кўп келиб-кейтишган. Ўқитувчимиз бу борада шундай йўл тутди: ҳар учала қаторда ўтирган фаол ўқувчилардан сардорлар тайинлади. Уларга ҳар ҳафтада дарсда жавоб берган ўқувчиларнинг балларини ҳисоблаш вазифасини юклаб, ҳар бир ўқувчи тўплаган балига қараб парта танлашини айтди. Шундан сўнг ўқишга қизиқишимиз икки ҳисса ортганди. Негаки, биринчи партада ўтириш бизни ҳаракат қилишга ундаб турарди-да. Ота-оналар ҳам фарзандидаги шижоатни кўриб хурсанд бўлганди.

Вақт ўтиб, талаба бўлдим. Университетда ҳам олдинги ва орқа парта масаласига дуч келдим. Фикрларим бироз теранлашганди. Олдинги парта одамдан биринчи навбатда масъулиятлиқни талаб этаркан. Биринчи партада ўтирса, домланинг айтган ҳар бир гапини тўлиқ ва аниқ эшита олади, муносабат билдиришга имкони ҳам кўпроқ бўлади.

Орқа партадаги талабанинг нигоҳи эса, домлага эмас, аксинча, талабаларга, яъни олдинда ўтирганларга тушади ва дарсдан чалғийди, деб айтди-ганлар бор. Бу қанчалик тўғри ёки нотўғри эканлиги талабанинг ўзига боғлиқ. Кўп ҳолларда охириги партага фақат қолоқ ўқувчилар ўтиришади, дейишди. Бу, менимча, нотўғри фикр. Охириги партада ўтириш қандай-у, биринчи қаторда ўтирган талаба қандай вази-фалар юкланади? Бу ҳақда талабаларнинг фикрлари билан қизиқдик.

Маърифат МАВЛОНОВА, ЎзДЖТУ талабаси:

— Охириги парта талабага зерикканда, оралиқ назорат ишларида қийналганда асқотади. Яхши баҳо олиш учун ҳам катта «ёрдам» беради. Чунки охириги партада кўчириш учун қулай имконият бўлади-да...

Одатда мактаб ўқувчилари, айниқса, бошланғич синф ўқувчилари биринчи партага ўтиришга интиладилар. Афсуски, юқори синфга ўтгач, орқа

парта томон секинлик билан силжий бошлайдилар. Балки, катта бўлгач, дарсга қизиқмай қолишар? Ўқитувчи дарсини ўқувчи руҳига мос қилиб ўтса, фақат олдинги қаторда эмас, балки орқа қаторда ҳам қизиқиб юқори бўлади. Ҳозир университетда худди шундай. Агар домлаш дарсини ноанъанавий усулда олиб борса, биз ҳар доим олдинги қаторларда ўтиришни афзал кўра-миз.

Хумора ҲАЙДАРОВА, ЖизДПИ талабаси:

— Ҳозир иккинчи курсмиз. Илк босқичда кўпчилик биринчи партада ўтиришни хуш кўрарди. Сўнгги пайтлари охириги партага ошқадиганлар пайдо бўлиб қолди. Уларга биринчи партада домланинг назоратида ўтириш ёқмас керак. Ўзим биринчи курсдан бўён олдинги партада ўтиришни хуш кўраман. Олдинда ўтирган одам керакли маълумотларни тез ва осонлик билан ўзлашти-ради.

Тан олиш керакки, охириги партани ўзининг «кўчириш ус-тахонаси»га айлантириб олган талабалар кўплаб топилади. Лекин охириги партага изобий қарайдиган тенгдошларимиз ҳам бор.

Мафтуна АСОМИДДИ-НОВА, ЎзДЖТУ француз филоло-гияси факультети талабаси:

— Менга кўпроқ



охириги партада ўтириш ёқади, чунки у ер тинч, со-кинроқ. Дарсини тушуниш ҳам мен учун осонроқ туюлади. Лекин шунга қарамай охириги парта бироз зерикарли. Ўртоқларимдан дафтар ёки бирон нарсани бемалол сўраб оламан. Олдинги партада бундай имконият би-роз чекланган. Болалигимда биринчи партада ўтириш менга орзу эди. Кейинчалик қизиқишим сусайди. Мактабда ҳар доим орқада ҳам, олдин-да ҳам эмас, ўртада ўтирар эдим. Талаба бўлганимдан бўён орқада ўтиришни хуш кўраман. Мазмунли ва қизи-қарли дарсларда ёки маж-лисларда илҳом борица ол-динроққа ўтаман. Мен учун охириги парта яхши. Негаки, талабаликда ҳар хил вазият-лар бўлиши табиий (акса уриш, ўзини ёмон ҳис қилиш...). Бундай вазиятлар

дан чиқиб кетиш учун ҳам охириги парта яхшироқ, деб ўйлайман.

Ситора САИДОВА, ЎзДЖТУ талабаси:

— Менинг фикримча, тала-ба учун қайси партада ўтириш муҳим бўлмаслиги керак. Са-баби, билим бу билан белги-ланмайди. «Олдинги қаторга фақат ўз кучига ишонадиган та-лабалар ўтиради», дейиш ҳам тўғри эмас. Кўз касалликлари билан оғриганларга олдинги қаторларда ўтириш талаб қи-лади. Бир нарсга маълумки, ол-динги қатор талабада тириш-қоқлик ҳиссини уйғотади...

Ҳа, талаба тенгдошларимиз-нинг мавзу юзасидан фикрла-ри турлича. Хўш, бу борада устозлар нима деркан?

Барногул МАВЛОНОВА, Жиззах шаҳридаги 17-мак-табнинг бошланғич таълим ўқитувчиси:

— Парталарни тақсимлашда биринчи навбатда боланинг соғлиғи-ни инобатга ола-ман. Уларнинг жо-йини йигирма кўн-

да бир алмаштириб тураман. Ўқувчи билан доска ўртасида-ги масофа эса, 2,5—3 метрни ташкил қилади.

— Талаба аудиторияга кел-дими, унинг қайси партада ўтириши ўзига боғлиқ, — дей-ди ЎзДЖТУ халқаро журна-листика факультети катта ўқитувчиси Муҳаббат Солиева. — Талаба қаерда ўтиришидан қатъи назар, илм олишга, иш-тиёқи бўлса, бас. Дангаса та-лабани биринчи партага ўтқа-зиб қўйсангиз ҳам, ўқитувчидан ҳеч қандай билим ололмайд. Ҳаётда ўз ўрнини топишни ис-таган талаба охириги қаторда ўтирса ҳам, яхши натижаларни қўлга киритишга қодир...

Мактабда қайси партада ўти-риш билимга боғлиқ, ҳаётда ўз ўрнимизни топиш-чи? Бунинг учун бизда пухта билим, мус-таҳкам ишонч ва кучли инти-лиш бўлса, бас. Қайси парта-да ўтирсак-да, ҳамиятда ўз ўрнига эга, керакли инсон бўлайлик!

Райхона ОЧИЛОВА, ЎзДЖТУ талабаси

«Ma'rifat»
Mahorat
Maktabi



БОБОМГА ҲАВАС ҚИЛАМАН

Олис йўл. Кўчалари тупроқ, чағ бўлса-да, кўркам қишлоқ. Юр-ганда оёқ остида худди салом бергандек эгилиб турган бўлиқ май-салар. Ҳар сафар қишлоққа бобомларникига борганимда ўзга бир оламга кириб қолгандек бўламан. Шаҳар шовқинидан безиб, тоза ҳаво, осудалик ҳукмрон бўшади завоқ оламан. Ҳовлида мевали да-рахтларнинг хилма-хили пишиб келаётган палла. Ариқда оқаётган шарқироқ сувлар киши руҳига тетиклик бағишлайди.

Дунёда бобомдек меҳ-рибон одам бўлмаса ке-рак. Чунки биз — нева-раларини шунчалик ях-ши кўрадиларки, ён-а-трофида тўплаб қизиқ-қизик эртақлар, матал-лар, дўмбира чалиб дос-тонлар айтиб берадилар, топишмоқлар орқали ақ-лимизни сингайдилад.

Юзларидан нур ёғи-либ турувчи бобомни бутун қишлоқ аҳли ҳур-мат қилади, маслаҳатла-рини олади.

Бобом Пиримкул Юсу-пов 1959—1964 йилла-ри Низомиёв номидаги ТДПИ филология фа-культетида сабоқ олган. У пайтлари икки мута-хассислик — ўзбек тили ва инглиз тили берилган экан. Уйқусиз кечган тун-лар эвазига кириш имти-хонларидан муваффақи-

ятли ўтган. Институтда устозлар назарига туш-ган, бошланғич курслар-даёқ инглиз тилини пух-та ўрганиб олган. Институтни битираёт-ганида бобомга домла бўлиб қолишни таклиф қиладилар. Унинг қар-шисида икки йўл турар-ди: қишлоққа қелишини интиқ бўлиб кутаётган онаизор, иккинчиси — институтда қолиб илмий унвонлар, мансабларга эга бўлиш. Бироқ бобом туғилган юрти томон йўл олади.

Шу-шу, қишлоқ макта-бида ўқувчиларга инглиз тилидан дарс бера бош-лайди. Тил ўрганишга иштиёқи баландиладиган араб, рус, форс, тожик тилларини кунт билан ўрганади, адабиётга ўзгача меҳр қўяди.

Кўп йиллар ёшларга таълим-тарбия берган бобом ҳозир нафақада бўлса-да, китоб мутлоа-сини қанда қилмайди. Шеърлар қоралаб тура-ди. Бизникига меҳмонга келганларида тонггача ухламай, китоб ўқиб чиқ-қанларнинг гувоҳи бўл-ганман. Бундан бир-икки йил аввал қўзойнак тақиб юрган бобом, китоб-ларни муҳаббат билан ўқиганимдан, ҳозир қў-зойнаксиз ҳам газета ўқияпман, деб қуладилар.

Инсон ҳамиша кимга-дир ҳавас билан яшайди, унга ўхшашга ҳаракат қилади. Мен ҳам бобом сингари халқимга кичик бўлса-да, қўлимдан кел-ганча хизмат қилсам, дейман.

Ирода НАМОЗБЕКОВА, ЎзДЖТУ талабаси

«Кувноқлик — инсоннинг буюк хислати», деган экан рус адибларидан бири. Албатта, ҳазил катта куч. Ҳеч нарсга одамларни бео-зор кулгидек яқинлаштира олмайд. Хур-санд одамга бутун олам гўзал кўринади. Ле-кин уни ҳам тузга ўхшаб меъёрида ишлатиш керак. Ҳазилдан жиддийликка, жиддий гап-дан эса ҳазилга осонгина ўтиш қийиндан биз ўйлагандан кўра кўпроқ қобилият талаб эта-ди. Истеҳзо, масҳара, мазах киноя, пичинг қабилад кўпинча ҳазилнинг тағини зил қилиб қўяди.

Шундай пайтлар бўладики, кўпчилик-нинг кулгиси иллатлар-га кучли зарба бўлиб тушади. Танбеҳни

учун «тўти» деб мазах қилишарди. Кейин у ўқишга шундай берил-дики, мактабни тамом-лагач, институтга ҳам-

заридан эса, кулги жа-ми тана ҳаракатла-рининг ичида энг соғ-ломи экан: у таом ҳазм қилиш ва қон айлани-шини яхшилайдди, бар-ча аъзоларда ҳаёт қу-ватини оширади.

Кулги — бебаҳо. У инсонларга куч беради. Кулишга қурбимиз етар экан, ундан ўз ўрнида тўғри фойда-

ланишимиз керак. Кул-ги самимийлик ва ақл-ни талаб этади. Бирор марта ҳам кулмаган ку-нимиз биз учун йўқо-тилган қундир. Бир му-тафаккир айтганидек, «Инсон фақат жиддий, зерикарли бўлиб юра-вермасдан ҳазилни ҳам, кулгини ҳам, май-да-чуйдалардан шодла-нишни ҳам билмоғи даркор».

Қамол АЛИБЕКОВА, ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси

КУЛИНГ, УМРИНГИЗ УЗАЯДИ

кўтаришади-ю, кулгига ҳамма ҳам чидайвер-майди. Чунки ҳеч ким кулги бўлишни иста-майди-да.

«Маззах» — арабча сўз, «ҳазил, мутойиба» маъноларини англата-ди. «Масҳара» эса «би-ровни ҳақир, паст са-наш», «хор билиш», деб таржима этиларкан. Демак, бировни масха-ра қилиш мазах қилиш-дан кўра оғирроқ.

Бир танишимни ну-қул бировларнинг гапи-ни такрорлайвергани

мадан юқори балл би-лан кирди. Бу кулги ортидаги ҳаракатнинг натижаси эди.

Истеҳзо эса, ҳақиқатга асослангани учун қалбга наштадек санчилади. У инсоннинг ориятини тоблайди, деб ўйлайман.

Психологлар фикри-ча, одамнинг характери кулгилардагина аниқ намоён бўлади. Табас-сум ҳамиша ёқимли, у бизнинг ички дунёми-зи кўрсатади.

Тиббиёт нуқтаи на-

ХУШ КАЙФИЯТ ТИЛАЙМИЗ!



Эрта тонгда автобусда ишга кетаётиб, галати манзаранинг гувоҳи бўлдим. Жамоат транспортнинг орқа ўриндиқларида ёнма-ён ўтириб олган уч йўловчининг уч хил қиёфаси эътиборимни тортди. Қўлида китоб ушлаган талабанинг нигоҳидан келажакка бўлган ишонч, шижоат сезилиб турибди. Мураккаб масалани ечгандек хуш кайфиятда. Унинг ёнида ўтирган ўрта ёшлардаги амакининг қарашларида аллақандай бепарволик, ҳорғинлик сезилади. Бу йўловчининг кайфияти яхшими-ёмонми, билиш мушкул эди. Учинчи йўловчи эса анча кесайиб қолган, ҳассасига энгагини қўйганча, ёшланган маънос кўзларини ташқарига қадаб борарди...



Ҳўланиб қолдим, аслида кайфият тушунчаси нима? Нега у ўзгарувчан? Инсон уни бошқаришга қодирми? Инсон кайфияти нима сабабдан кўтарилади ёки аксинча? Бу нисалар билан боғлиқ?

Тарифлаб кўра кайфият — инсон ҳулқ-атвори ҳамда унинг руҳиятида содир бўлаётган психологик жараёнлар намойиши, умумий эмоционал ҳолат. Инсон кайфияти қандай эканини бир қанча ташқи омиллар кўрсатиб туради. Яхши кайфиятдаги инсон кўллари эркин, ишончли ҳаракатлантиради, ортқича саросимага тушмайди. Аксинча, ёмон кайфиятдаги кишининг кўллари қаттиқ сиқилган, муштланган ҳолда бўлади.

Океанотидаги Колумбия университети профессори Жейн Ендикоттнинг айтишича, олиб борилган тадқиқотлар натижасида аксарият одамлар ёзда қишдаги нисбатан анча тетик, бардам ва хушкайфиятда бўлиши аниқланган. Чиндан ҳам инсон кайфияти фаслларга мос тарзда ўзгаришини ҳаётда ҳам истаганча кузатиш мумкин. Хусусан, баҳор ва ёзда қуёш нури тафти инсон руҳиятига илтиқлиқ, кўтаринкилик бахш этади.

Ёзда инсон фаол ҳаракатланади. Айнан жисмоний ҳаракат ҳамда пийда юриш кайфиятнинг кўтарилишига сабаб бўлар экан. Жисмоний ҳаракат онгимизга «чанг солишга» чоғланаётган депрессия аломатларини «йўлтайди» ва организмдаги гормонал ўзгаришларнинг таъсирини пасайтиради.

Қишда эса, аксинча, совуқ ҳаво, изгирин шамол инсон кайфиятига ҳам ўзи каби «совуқлик» улашади ва эринчюлик ҳолатлари кузатилади. Шу тариқа ташқаридаги иқлимга ҳамоханг унда ҳам «булутли кайфият» ҳукм суради.

Антрополог олимларнинг фикрича, бундан бир неча юз йиллар илгари яшаган аجدодларимиз ҳам қуёшнинг ҳаётбахш зёбидан ҳикмат излашган. Шунинг учун бўлса керак, антик давр адабиётида Қуёш ўзгача меҳр, тафти, улғуворлик тисмолли сифатида таърифланган. Қуёш уларнинг ҳаёт ритмини белгиланган: аҳолининг экин экиши, йиғим-терим, ов қилиш вақти шунга қараб аниқланган. Одамлар қуёшни яхшилик, бахт белгиси деб ҳисоблашган.

Ёлғизлик — тушкунлик иньикоси...

Кайфиятнинг тушиши ёки кўтарилиши ижтимоий муҳит, таварак-атроф, об-ҳаводан та-

шқари ранг-тасвир билан ҳам узвий боғлиқ. Масалан, кўпчилик ёркин қизил рангдаги хонага кирганида, унинг лабларига табассум югуради, димоғи чоғ бўлади. Айрим кишиларда эса, аксинча, қизил рангли хонага кирганда қандайдир бўғилиш, нафас қисилиш каби ҳолатлар ҳам намоён бўлиб, юзларида жиддий ифода кузатилиши мумкин.

Рухий ҳолат ва унинг илмий жиҳатлари билан яқиндан таъниши мақсадида бу мавзуда кўплаб изланишлар, тадқиқотлар олиб бораётган мутахассис, психология фанлари номзоди Лутфулла Турсуновга мурожаат этдик:

— Шахснинг фаолияти ва унинг сермахсуллиги бевосита кайфиятига боғлиқ бўлади. Ижтимоий биямнатда маълум бир мавқега эга бўлиши, ўз ўрнини топишида, атрофдагилар билан муомалага киришишида ҳам кайфият катта ўрин тутди. Демак, шахснинг ижтимоий ҳаётдаги ҳар бир хатти-ҳаракати, ҳаёт тарзи ва фаолияти кайфият билан алоқадор тарзда кечади. Кайфият — жуда ўзгарувчан бўлади. Бунда киши ўз иродаси ва қатъиятига таяниб, уни бошқариб туриши мақсадга мувофиқ...

Маълумки, кайфият тушунчаси икки — тушкун ва қувноқ турга бўлинади. Ҳар иккала ҳолатда ҳам асосий механизми бир хил бўлади. Яъни, шахснинг бир турдаги кайфияти иккинчисига ўтиши бош мия фаолияти билан боғлиқ ҳолда кечади. Бош миядаги оқ ва қуланг моддаларнинг ўзаро қўшилиши натижасида бир нерв марказининг кучли қўзғалиши ва бунинг таъсирида шахс онгидида маълум бир ҳисларнинг ўйғониши инсонда у ёки бу турдаги кайфиятнинг юзага келишига сабаб бўлади. Яхши кайфиятдаги инсоннинг юрак уриши тез, қон айланиши маромида бўлиши, қон томирлари кенгайиши, икки органлар фаолияти яхшиланishi, юздаги ажинлар қамайиб, тери таранглашиши, кўзлари тиниқ ва нутқи раво бўлиши кузатилади.

Инсон кайфияти унинг икки органлари фаолиятидан тортиб ташқи қиёфасига ҳам ўз таъсирини ўтказиши. Эътиборлиси, хушчақчақ киши атрофдагиларга ҳам яхши «энергия» улашади. Шу боис, кўпчилик юздан табассум аримайди, табассуми билан бошқаларнинг ҳам кайфиятини кўтарувчи инсонлар билан ҳамсухбат бўлишни исташади.

Салбий кайфиятга мойил кишиларда эса нотекис юрак уриши, томирлар торайиши, қон айланиш мароми ва ички

органлар фаолияти бузилиши каби саломатлик учун жиддий ҳавф туғдирувчи ҳолатларни кўриш мумкин. Мутахассислар бунинг сабабини тушкун кайфиятда юрвчи кишининг ўз-ўзини салбий биоток билан «зарядлаб» боришида, деб изоҳлайди.

Бундан ташқари, доимий тарзда тушкун кайфиятда бўлиш танадаги пассив, ривожланмаган вируслар, айрим яширин касалликларнинг ҳам жаддалашувига олиб келади. Инсон асабийлашган пайтда кўз қорачиқлари кенгайиши, юз ранги қорайиши, лабларини тишлаб олиш, кўллари қалтираши ва хавотирланиш кузатилади. Бундай руҳан эзилган, маънос кишилардан кўпчилик ўзини тартади. Улар билан мулоқот қилишни истамайди. Натижада бундай кишилар яқаланиб қолади.

Ёлғизлик эса руҳий зарбалар, ўз-ўзини турли ўй-хаёллар билан эзиб демакдир. Ёлғиз яшашга ўрганиб қолган киши онгда шунчаки тушкун кайфият асорати эмас, балки руҳий зўриқиш, қучли ҳаяжон ва хавотирланиш каби оғир руҳий ҳолатлар ҳукмронлик қила бошлайди. Янчиллиси, бу жараённинг тинимсиз ва узоқ муддат давом этиши оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.

Психонейролог олимларнинг таъкидлашича, инсон тушкун ҳолатда бўлганида, унинг организмидида бир қанча нейронлар ўз фаолиятини бутунлай тўхтатар экан. Ачинарлиси шундаки, бу «ўлик» нейронлар оғдатда қайта тикланмайди, дейилади «Физорг» манбасида.

Баҳор ҳавосидек ўзгарувчан...

Тонгда кўзимизни очиб, деразадан тушаётган заррин қуёш нурини кўришимиз билан юзимизда табассум пайдо бўлади. Кун давомида ана шу табассум, қуёш энергиясидан олган қувват бизни тарқ этмайди. Аксинча, шаррос ёмғир қуйишдан дарах бериб турувчи булутли осмонни кўрсак, ўз-ўзини диллимизда алланечук ҳорғинлик, маънос пайдо бўлади. Кун мобайнида бошланган бирор ишимиз бароридан келмагандек бўлади, гўё. Бу ҳолат кўпчилигимизга таниш. Бир гуруҳ психолог олимлар олиб борган изланишлар натижаси шунки кўрсатадики, аксарият инсонларнинг кайфияти об-ҳаво билан бевосита боғлиқ экан.

— Инсон кайфияти ва об-ҳаво ўртасидида боғлиқлик кўпчиликини қизиқтириб келган масала, — дея сўзиди давом эта-

ди Лутфулла Турсунов. — Кўплаб машҳур психологлар айнан шу мавзуда тадқиқот олиб боришган. Об-ҳавонинг кайфиятга таъсир этувчи айрим омиллари мавжуд. Буни қарангки, иқлим ва шахс кайфияти ўртасидида боғлиқлик аксарият ҳолларда аёлларга хос бўлар экан. Айтайлик, бир аёл ишга (қўишга) киийиш учун янги киийм харид қилди. Эртага мана шу кииймни киийиб, дугоналаримни хайратга соламан, янгича қиёфада уларга кўринаман, деган ҳаёл билан уйкуга ётади. Бироқ уйкудан турганида, ташқаридаги об-ҳаво шароити янги киийимга мос эмас. Аёлининг барча ҳаёллари, режалари барбод бўлади.

Демак, режаларимизнинг амалга ошишига тўққинлик қиладиган об-ҳаво кайфияти-мизга салбий таъсир ўтказиши. Баъзан эса, ташқарида ёғаётган ёмғир, қор ёки гумбирлаётган момақалдиқ кишида ваҳима уйғотмайди. Кайфиятимиз тушишига заррача таъсир қилмайди. Боиси, бундай ҳаво режалаштирган ишимизга монанд.

Баъзи ҳолларда самовий жисмлар ҳолати, сайёраларнинг жойлари «ўзгариши»га қараб ҳам инсон кайфияти ўзгаради. Лекин бу ҳар доим ҳам кўзга ташланадиган ҳодиса эмас. Астрологик жисмларнинг қучи бевосита Ерга таъсир кўрсатиш хусусиятига эга бўлган тақдирдагина айрим кишиларда кайфият ўзгариши кузатилади. Аёнки, осмон жисмлари, булутлар ва ҳатто об-ҳаво ҳам ўзини бошқара олмайди. Инсон эса ақлу тафаккури билан ўз-ўзини йўналтириш, турли вазиятларга тайёрлаш салоҳиятига эга. Шундай экан, ҳар қандай об-ҳаво шароитидан ҳам завқлана олиш, табиат ҳодисаларидан қуч-қувват ва илҳом олиш хусусиятларини шакллантириш даркор.

Умидворлик — руҳият қулфининг қалити

Кайфият инсоннинг юксалиши ёки таназзулга юз тутишида ўзига хос аҳамиятга эга. Бинобарин, доим шодон, ҳаётдан мамнун юришда ҳикмат кўп. Тушкунликдан қучлиш, ғамгин кайфиятдан ҳалос бўлишнинг йўллари кўп. Бу борада психолог Лутфулла Турсунов шундай маслаҳат беради:

— Шахсни оғир руҳий толиқишга олиб боровчи маҳзун кайфиятдан қучилиш учун руҳий тушкунлик сабабини аниқлаш ва яхши ўй-хаёллар билан ўзини қалғитиш, ҳаётда содир бўлган ёркин хотираларни ёдга олиш керак. Айниқса, мазкур ҳолатдан қичиб кетишда энг яхши қўмақчи бу — умид. Эртанги кундан умидвор бўлган, ёркин истикбол ҳақида ширин орзулар қилган кишида қуч ва шижоат ҳам ортиб бораверади.

Психологлар кайфиятни кўтариш учун турли ҳажвий асарлар, бадий адабиётлар ўқиш, оптимистик руҳ уйғотувчи мусикалар тинглаш, юморга бой бадий фильмлар кўришни ҳам тавсия қилишади. Биласизми, кайфияти яхши одамнинг қўзига ҳамма нарсанинг кўпроқ ёркин томони кўринади. Шунингдек, оддий усуллар — театр томошалари, турли суратлар галереясини кўздан кечириш, табиат қўйнида сайр қилиш, дўстлар даврасида хордиқ чикариш ёки севили машғулот билан шуғулланиш орқали ҳам руҳий ҳолатимизни яхшилашимиз мумкин.

Қувноқ, ҳаётдан завқланиб яшовчи кишиларнинг қўзи қуёшдек қарақлаб, қулиб туради. Ташқи қўриниши ҳам навиқирон, жозибали ва тетик бўлади. Шунинг учун ҳам бахтиёр табассум, жарангдор овоз ва шахдам қадамлар, хатти-ҳаракатлар билан атрофдагиларга хушчақчақлик, ғайрат улашнинг қиймати беқиёсдир. Гарчи қандайдир сабаблар билан кайфиятингиз салтантириш даркор.

Шаҳина ЖҲАЕВА,
«Ma'rifat» муҳбири

ПЛАНШЕТНИНГ ЗАРАРИ

Ай-пэд туридаги планшет компьютерларининг кенг тарқалиши инсоннинг таянч-ҳаракат тизимидаги қатор хасталикларга сабаб бўлар экан. «Дэйли Мэйл» нашрида мавзуга оид мақола чоп этилди.



Таъкидланишича, планшетдан фойдаланганда танани тўғри тутиш жуда қийин. Мишган штати (АҚШ)даги Богомонт тиббий маркази мутахассисларининг фикрича, планшет компютери узоқ муддат давомида матн теришга мўлжалланмаган, чунки

у билан ишлаш жараёнида инсоннинг таянч-ҳаракат аъзосига зарар етмай қолмайди. Ай-пэддан фойдаланганда гавдани нотўғри тутиш эса биринчи ўринда умуртқанинг бўйин қисми хасталигини келтириб чиқаради. Меню бўйича ишлаш ва саҳифаларни варақлаш учун ўнг қўлнинг кўрсаткич бармоғини узоқ муддат ишга солиш ҳам мускул ва пайларнинг сурункали шикастланишига олиб келади.

ШОВҚИН ЭШИТИШНИ СУСАЙТИРАДИ

Шанхайдаги Шарқий Хитой университети ва Сан-Францискодаги Калифорния университети олимлари ўтказган тадқиқот бир қарашда хавфсиз кўринган шовқинлар ҳам эшитиш қобилиятини сусайтириши мумкинлигини кўрсатди. «Нью сайентист» («NewScientist») манбасида бу ҳақида маълум қилинди.


Мутахассислар кемирувчилар устида тадқиқот ўтказиб, 10 соат давомида уларни 65 децибелл шовқин таъсири остида ушлаб туришди. Сўнг 14 соат тинч ҳолатда сақлашган. Бундай тажриба икки ойдан ортиқ муддат оралиғида ҳар кун такрорланиб турган. Шу тариқа инсоннинг одатий кундалик ҳаётида кузатиладиган шовқинли муҳит ташкил этилган. Тажриба якунида жонзотлар товушларни нисбатан секинроқ фарқлай бошлаган.



Қолаверса, уларда бош мия қобиғининг эшитиш ҳудудида бироз сустлик кузатилган. Тадқиқот муаллифларининг фикрича, баланд шовқин-сурон эшитиш чегарасини бузди, секин товушлар эса тўғридан-тўғри эшитиш сезувчанлигига таъсир кўрсатмайд.

ҚЎЛ ҲАРАКАТЛАРИ ҚАЙТА ТИКЛАНДИ

Океанортилик нейрохирурглар фалаж бўлиб қолган беморнинг биллак бармоқлари ҳаракатланиши қобилиятини тиклашнинг уddасидан чиқиди. «Би-Би-Си» каналининг маълум қилишича, жарроҳлик операциясини Вашингтон университети Тиббий мактаби олимлари ўтказишган.



Таъкидланишича, 71 ёшли бемор 2008 йили автоҳалокатга учраб умуртқа поғонасининг бўйин қисмидан жароҳатланган. Натижада унинг орқа миёси шикастланиб, гапиролмай қолган. Қолаверса, унинг икки билағи ҳам ҳаракатланиш қобилиятини йўқотган эди. Жарроҳлар эса унинг елка асаб тодаларини билакнинг олдинги суюқлар ораси асаб тодаларига улаб қўйишга қарор қилишган. Аввалига жарроҳлик операцияси чап қўлда, бир ҳафтадан сўнг ўнг қўлда амалга оширилди.

Жараёнда мутахассислар электр қўзғатиш усули орқали «уланган» асаб тодаларининг ишлай олишини текширишган. Ўзига хос жарроҳлик операцияси натижаси ўлароқ кекса бемор қўл бармоқларини жамлаш ва очиш имконига эга бўлган.



РЕСУРСЛАР ЧОРАК ҚИСМГА ҚИСКАРДИ

Жаҳон ёввойи табиат фонди ўтказган тадқиқот натижалари 40 йил ичида Ернинг биологик ресурслари 28 фоизга камайганини кўрсатди. Сайёра экотизимининг асосий фойдаланувчиси ва ифлослантирувчиси АҚШ экани аниқланди, деб ёздади «Компьюлента» манбаси.



Жараёнда мутахассислар 1970—2008 йиллар оралиғида сўт эмизувчилар, балиқлар, қушлар, судралиб юрувчилар ва амфибияларнинг 9 мингдан ортиқ тури ривожланиш ҳақидаги маълумотларни таҳлил этишган. Экспертлар ушбу таҳлил асосида 1966 йилга нисбатан инсон томонидан табиий ресурсларнинг истеъмол қилиниши икки баробар ошганини аниқлашди.

Шунингдек, аҳоли жон бошига кўра, табиий ресурслардан оқилона фойдаланмаётган мамлакатлар рўйхати ҳам тузилди. Унга кўра, бу борада «етақчи» ўринларда Қатар, Кувейт, БАА, Дания, АҚШ, Бельгия, Австралия, Канада, Нидерландия ва Ирландия туради. Рўйхатни тузишда атмосферага карбонат ангидрид чиқарилиши, ўрмон ва қишлоқ хўжалиғи майдонлари, ишлаб чиқариш чиқиндилари ҳажми эътиборга олинган.

ҚАДИМИЙ СУРАТЛАР ТОПИЛДИ

Халқаро олимлар гуруҳи Европадаги энг қадимий қоятош суратларини аниқлашга муваффақ бўлишди. Янгилик ҳақида «Табиат янгиликлари» («Nature News») манбаси маълум қилди.

Топилган суратларнинг «ёши» 37 минг йил. Қазилма ишлари Франция жануби-ғарбий қисмидаги Везер водийсида жойлашган Абри Кастане гори вайроналарида амалга оширилаётган эди. Мазкур ҳудуд археологлар эътиборини ўтган асрнинг 90-йилларидан бери тортди келади. Бу ерда олимлар умумий миқдорда бир неча ўн минг турли артефактларни топишга муваффақ бўлишган. Улар бугунги Франция ҳудудида 28—40 минг йил илгари умрғузaronлик қилган илк ориньяк маданиятига тегишли.



Бир неча йил илгари олимлар гор бурчакларидан бирида тепа қисми юзасида оҳра (сарик ёки қизил тусли минерал бўёқ) бўлган бир неча суратларни пайкашган. Уларнинг «ёши»ни олимлар юза қисмида топилган минералнинг даврига қараб белгиланган. Натижада суратлар қоятошга 37 минг йил илгари солинганини аниқлашди.

ЕВРОПАНИНГ ЭНГ ЙИРИК ТЕЛЕСКОПИ

Канар оролларида Еропадаги энг йирик кўёш телескопи, ҳажмига кўра дунё миқёсида учинчи ўринда турадиган «Грегори» («GREGOR») ишга туширилди. Ускунадни ишга туширишда тўртта немис тадқиқотчилик институтлари иштирок этди, дейилади «ФизОрг» манбасида.



Телескоп Тенерифе оролидаги Тейде вулкони этагига жойлаштирилди. У XVII асрда яшаган ва телескопнинг принциплал чизмасини яратган шотландиялик астроном Жеймс Грегори шарафига шундай номланган. Унинг бирламчи, энг йирик кўзгуси диаметри 1,5 метрни

ташкил этади. Кўзгу доимий совутиш тизимига эга. Нокулай об-ҳаво шароитидан телескопни йиғма гўмбаз сақлайди. Телескопда атмосфера ўзгаришларига мослашиш тизими бор.

Тасвирларни кўринадиган ва инфра-қизил спектрда олиш мумкин. Телескопнинг асосий вазифаси Қўёшдаги магнит жараёнлари, унинг магнит майdonи ўзгаришларини аниқлаш ва хромосферанинг ўзига хосликларини белгилашдан иборат.

Наргиза РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.



Италиянинг жанубида жойлашган Бриндизи шаҳридаги Мелисс коллежиде жиноятчилар томонидан уюштирилган портлаш оқибатида коллежнинг 16 ёшли ўқувчиси ҳаётдан қўз юмган.

«The Times of India» нашрининг ёзишича, Ҳиндистоннинг Андхра-Прадеш штатида юк ташувчи поезд ҳамда йўловчи поездининг тўқнашиб кетиши оқибатида 24 нафар киши қурбон бўлган, 40 нафари эса турли даражада жароҳатланган.

Янги Зеландия ҳукумати тамаки маҳсулотлари истеъмолчилари сонини камайтириш мақсадида акция солиғини 40 фоизга оширишга қарор қилди ва бир қўти тамаки маҳсулотининг баҳосини 20 Янги Зеландия доллари (15 АҚШ доллари) қилиб белгилади.

Шотландия ҳукумати расмий равишда мамлакат аҳолисини яқин келажада ўтказилиши кутилаётган референдумда Буюк Британия таркибидан чиқишга чакирувчи кампаниянинг бошланганини маълум қилди.

Хитой ҳукумати АҚШ томонидан қабул қилинган хитойлик ишлаб чиқарувчиларнинг умумий миқдорда 7,29 миллиард долларга баҳоланган 22 тоифадаги маҳсулотларини субсидиялаш чора-тадбирларига қарши эканини маълум қилиб Бутунжаҳон савдо ташкилотига океанорти мамлакатни устидан арз қилди.

ЭЪЛОН

Халқ таълими вазирлиги томонидан 2012 йил 10 март кун «Ma'rifat» газетасида «2012 йилда умумтаълим мактаблари учун синф журналларини харид этиш» юзасидан эълон қилинган тендер савдолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли қарори билан тасдиқланган «Хомашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналар харид қилиш бўйича тендер савдолари ўтказиш тўғрисида» эи Низомнинг IX бўлими 48-бандида асосан салбий натижага эга бўлди деб ҳисобланди.

ЭЪЛОН

«ТАФАККУР НАШРИЁТИ» хусусий корхонаси (Гувоҳнома № 006158, реестр № 006158-08, ИНН:206801250) мулкчилик шакли хусусий корхонадан масъулияти чекланган жамиятга ўзгараётганлигини маълум қилади.

География фани ўқитувчиси Рустам Абдиев «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танлов республика босқичида 93,8 балл тўплаб, 1-ўринни эгаллагани барчамиз учун хушxabар бўлди. Жонкуяр муаллимнинг ўз устида тинимсиз ишлаб, ўқувчиларининг пишик-пукта билим олиши йўлида сидқидилдан меҳнат қилиши ҳақиқатан ҳам, ибрат олса арзигulik.

Рустамжон ёш бўлишига қарамай, ҳамкасблари, ота-оналар, маҳалла-қўй, шогирдлари олдида алоҳида ҳурматга сазовор. У дарс жараёнида замонавий педагогик технологиялардан мохирор

миқёсида оммалаштирилди. У ўзи туғилиб ўсган туман ҳаёти, тарихидан ҳикоя қилувчи «Навоий вилояти Хатирчи тумани топонимлари» ўқув қўлланмасини ҳам яратди.

Рустам Абдиев ҳозир интернет тармоғида шахсий сайтини очиб, география фанини ўқитиш бўйича илғор тажрибалар базасини жамлаётди. Келажақда «ZiyoNET» тармоғидаги сайтини янада такомиллаштириш, таълим жараёнида ахборот-коммуникацияларидан унумли фойдаланиш, ЮНИСЕФнинг «Боллага дўстона муносабатдаги мактаб» дастури бўйича фаолиятини кенгайтиришга қатъий бел боғлаган.

У устози Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Хусан Мананазоровнинг юзини ерга қаратмади. Самарали педагогик фаолияти 2011 йили 1 октябрь — «Ўқитувчи ва мураббийлар куни» муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочили» кўрак нишони билан тақдирланди.

Ўзбекистоннинг буюк келажагини ёш авлодсиз тасаввур этиб бўлмайди. Фарзандларимизнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишида эса Рустам Абдиевдек жонкуяр ўқитувчиларнинг ҳам ҳиссаси катта.

Гулнора ЖУМАНИЕЗОВА,
Навоий шахридаги
11-ихтисослаштирилган давлат
умумтаълим мактаби директори

ҲАМИША ИЗЛАНИШДА

на фойдаланмоқда. Ана шу саъй-ҳаракатлари билан шахар, вилоят ва республика миқёсидаги семинар, очик дарс ва тadbирларда иқтидорини кўрсатиб, тажрибасини намойиш эта билди. Шогирдлари ҳам турли танловларда фаол қатнашиб, юқори натижаларга эришяпти. Рустам Абдиевнинг ўқувчиси Нормурод Латипов 2010-2011 ўқув йили, Машхура Бобоева 2011-2012 ўқув йили билимлар беллашувининг вилоят босқичида 1-ўринни эгаллаб, республика босқичида муваффақият-ли иштирок этди.

Ижодкор мураббий 7—9-синфлар учун ишлаб чиққан «География фанидан амалий машғулотлар» ва «Маҳаллий материаллардан умумтаълим мактабларида географик майдонча ташкил этиш ва ундан фойдаланиш» услубий қўлланмалар вилоят

ДАРСДА ХОРИЖЛИК МЕҲМОНЛАР

Наманган вилояти халқ таълими бошқармасига қарашли Учқўрғон туманидаги 12-умумтаълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси Икромжон Юсупов дарсида янги педагогик технологиялар, интерфаол усуллар ребус уйинлардан кўп фойдаланади. У Британия кенгаши томонидан Республика таълим марказида ўтказилган «FLY High» дарслигини лойиҳалашда иштирок этган. Изланувчан педагог айни кунларда «Инглиз тили дарсларида ўқувчилар онгига миллий қадриятлар руҳини сингдириш» мавзусида илмий иш олиб бормоқда. Икромжон Юсупов дарсларида Англия, Австрия, Шотландия, Германия каби хорижий давлатлардан меҳмонларни таклиф этиб, ўқувчиларнинг назарий билимларини амалиётда мустаҳкамламоқда.

Устоз тумандаги ёш мутахассисларга ўз билим ва тажрибасини ўргатишдан асло чарчамайди. Баркамол авлод тарбияси йўлидаги меҳнатлари муносиб баҳолашиб, «Меҳнат шухрати» ордени билан тақдирланган.

Нилуфар САЪДУЛЛАЕВА,
Учқўрғон туманидаги 12-мактаб
ўқитувчиси

E'tirof

Кўп йиллик педагогик фаолияти давомида кўплаб шогирдлар етиштирган ва улар ҳақида доимо ифтихор билан гапирадиган устоз ўқувчиларига ҳам ўзига нисбатан талабчанлик, ҳар бир ишга масъулият билан ёндашиш ҳислатини сингдиришга ҳаракат қилади.

— Саъй-ҳаракатларимнинг махсули ўқувчиларимнинг ҳаётда ўз ўрнини топиб кетишида, юртимиз раванқига қўшаётган ҳиссасида кўринади. Бугун фахр билан тилга олишим мумкин бўлган шогирдларим бисёр. Масалан, Мадина Исахонова 2-Тошкент юридик коллежида ҳуқуқ фани ўқитувчиси, Ирина Ҳақимова Олий ҳўжалик суди мутахассиси, Артур Ҳақимов Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети тугатиб, Францияда магистратурада таҳсил олмақда. Бундан ташқари, суд ҳуқуқ ва адлия тизимида фаолият олиб бораётган шогирдларим ҳам борки, уларнинг ютуқларидан кўнглим қувончга тўлади.

— Мен Мухайё Очилова билан бир неча йилдан буён бирга ишлайман, — дейди физика-математика фанлари номзоди, доцент Д.Пўлатова. — У ҳамиша инновацион технологияларнинг энг илғор намуналаридан фойдаланади. Таълим сифатини юксалтириш борасида олиб бораётган илмий изланишлари замирида миллий қадриятларимиз, халқимиз тарихи, маданияти билан бог'лиқ манбаларни ўқувчи онгига самарали етказиш мақсади ётгани эътиборлидир.

Мухайё Очилова илм бериш саодатини англаган, бу йўлда бор эътибор ва меҳрини сарфлаётган фидойи ўқитувчилардан. Шунинг учун ҳам ижодкор, изланувчан ва талабчан устоз сифатида ўз ҳамкасблари, ўқувчилар ва ота-оналар ҳурматида сазовор бўлган.

Санобар ЖУМАНОВА

Унинг шижоати, туганмас куч-қуввати, масъулияти шогирдларида ҳам илм олишдан завқланиш ҳиссини оширади. Дарсларни ижодкорона ташкил этиши, анъанавийликдан қочиши вақтдан тўғри фойдаланишга, таълим ва тарбия самардорлиги ошишига хизмат қилади. Чуқур билими ва ташкилотчилиги ўқувчиларнинг салоҳияти ўсишига, дунёқараши кенгайишига йўл очади. Ўқувчиларга нисбатан меҳр ва талабчанликнинг мезонини тўғри ушлаб, улар қалбига йўл топиб келаётган устоз — Тошкент давлат юридик институти қошидаги академик лицейнинг олий тоифали тарих ва ҳуқуқ фани ўқитувчиси Мухайё Очилова

ҳақида ана шундай илиқ фикрларни эшитасиз. Малакали ўқитувчи профессионал фаолияти тўғрисида халқ таълими ва ўрта махсус, касб-хунар таълими аълочили бўлган. 38 йиллик педагогик стажга эга педагог 2001 йилдан бери мазкур муассасада таълим-тарбия ишларини олиб бормоқда. Унинг ўтган йили Адлия вазирлиги ва Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жамғармаси ташкил этган «Энг яхши ҳуқуқ тарғиботчиси» республика танловида «Жамиятда ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онгни юксалтиришга қўшган ҳиссаси учун» номинацияси совриндори бўлган кўпчилик кутган натижа эди.

таъминоти ҳамда таълим-тарбия жараёнида қўлланилган қувонарлидир. Малакали методист Тошкент шахар ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармасида тарих фанлари бўйича методик бирлашма раҳбари сифатида ўқитувчиларга услубий ёрдам беради. 2001 йилдан бери Тошкент шахар академик лицей ва касб-хунар коллежлари тарих ва ҳуқуқ фани ўқитувчилари учун ўқитиш методикасини янги педагогик технологиялар билан бойитган ҳолда очик дарслар ташкил этади.

Мухайё Очилова ўқув му-

НОАНЪАНАВИЙ ДАРС САМАРАСИ

Мухайё Очилованинг дарслари замонавий методларга бойлиги, ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланилиши, ўтилатган мавзулар чуқур очиб берилиши билан ажралиб туради. Малакали педагог Ўзбекистон Республикаси Конституцион суди экспертлари, Олий Мажлис сенаторлари ва депутатлари, Омбудсман ходимлари билан учрашув тарзида дарслар ташкил этади. Ўзбекистондаги БМТ, ЮНИСЕФ ваколатхоналарининг матбуот маркази, ИИБ ва шахар ички ишлар бошқармасининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими, Республика Маънавият тарғибот маркази, Адлия вазирлиги, Тошкент давлат юридик институти каби бир неча ташкилот ва олий таълим муассасалари билан ҳамкорликдан самарали фойдаланиб, маъруза ва амалий дарсларга соҳа мутахассисларини жалб этади. Ўқувчилар, айниқса, Юртимиз тарихи ва Темурийлар тарихи давлат музейларида ташкил этиладиган дарсларда чуқур билимга эга бўлаётганини эътироф этишади. Бундай дарс соатлари интиқили билан кутилади. Ноанъанавийликка кўпроқ эътибор қаратили-

ИЛМ БЕРИШ САОДАТИ

шининг боиси музей, кўргазмада ўтказиладиган очик дарс, диспут-дебат, ролли уйин, семинар-тренинг ва конференциялар мавзунини мустаҳкамлаш учун энг яхши восита эканини мохир педагог аллақачон аниқлаб етган.

ЎҚИТУВЧИ МЕТОДИСТ БЎЛСА...

— Мухайё Очилова таълим тизимининг турли жабҳаларида ўзини синаб кўрган. Ҳамкасблари уни ёшларнинг ижтимоий фаол, ҳаракатчан, собитқадам устозига эмас, яхши методист сифатида ҳам ҳурмат қилишади, — деди Тошкент давлат юридик институти қошидаги академик лицей директори Ш.Бобоқулов. — У тарих, ҳуқуқ ва махсус фанлар кафедрасининг асосий ўқитувчиси. «Ўзбекистон тарихи бўйича ноанъанавий дарс шакллари», «Ўзбекистон тарихидан Амир Темур даврини ўрганиш бўйича ноанъанавий машғулотларни ўтказиш усуллари» номи услубий қўлланмалари ҳуқуқий йўналишдаги ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида фойдала-



нилмоқда. «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш ўқув курсларида ноанъанавий машғулотларни ўтказиш методикаси» қўлланмаси ҳам ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг янги авлод дарсликлар ва ўқув методик адабиётлар яратиш бўлими томонидан республика академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун услубий қўлланма сифатида тавсия этилди.

Назарияни амалиёт билан уйғунаштириш асосида олинган натижалар республикамизнинг барча академик лицей ва касб-хунар коллежларининг методик

ассасасининг тарих хонасида электрон тақдимот ва маърузалардан иборат бой методик материал, жумладан, инсон ҳуқуқлари бўйича 142та китоб ва электрон вариантларини тўплаган. Бу кутубхонадан барча ўқитувчи-мураббийлар, ўқувчилар фойдаланиши мумкин.

ШОГИРДИ УСТОЗИГА ЎХШАЙДИ

Ватанимиз тарихига оид тadbирлар ташкилотчиси Мухайё Очилова ёш ҳуқуқшуносларга мўлжалланган турли беллашув ва викториналар сценарийини тузувчи-муаллифи ҳамдир. Бу каби тadbирлар ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда миллий ғурурни шакллантириш, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, юртимизнинг тарихий ўтмишига қизиқиш уйғотишга хизмат қилади.

— Меҳнатларим зое кетмаганини, дарсларимдан кутилган мақсадга эришганимни, шогирдларимнинг камолини кўрсатганини, дилдан яйраб дам оламан, бундан-да кўпроқ натижаларга эришишга ҳаракат қиламан, — дейди қаҳрамонимиз.

ЧЕМПИОНЛАР МАКТАБИ — ҲАРАКАТДА

Бундан қарийб ярим аср аввал ташкил этилган вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли енгил атлетикага ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактаби мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга, аҳоли ўртасида жисмоний тарбия ва спортни кенг оммалаштиришга катта эътибор қаратилиши баробарида қайтадан «дунёга келди» гўё.

Мазкур спорт мактаби учун 2010 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан «Афросиёб» спорт саройи қурилиб фойдаланишга топширилди. Спорт саройида мактаб тарбияланувчилари ва самарқандлик ёшлар учун барча шарт-шароит мавжуд. Мактаб зарурий спорт жиҳозлари ва ускуналари билан таъминланди, бу эса юзлаб ўқувчиларга спортнинг бир неча тури билан шугулланиш имконини берди. Айни вақтда мактабда мураббийлар сафи сезиларли даражада кенгайган. Хусусан, 19 нафар мураббий, 3 нафар методист бола-

ларга сабоқ бериб келмоқда.

— Мустақиллик йилларида мактабимиз тарбияланувчиси, А.Пискунова Осиё чемпионати ва бошқа турнирлар ғолиби бўлиб, вилоятимиз енгил атлетикачилари орасида биринчи бўлиб халқаро тоифадаги спорт устаси унвонига эга бўлди, — дейди мактаб директори А.Ҳошимов. — Шунингдек, А.Котлярова 2006 йили ёшлар ўртасида Осиё чемпиони бўлди. Бундан ташқари, жаҳон чемпионатлари иштирокчилари — А.Савкин, Т.Яворский, И.Пак, В.Гаспарьян, В.Медникова, Р.Тошматов, Э.Ма-


медова, Е.Котлярова ва 2010 йилги ўсмирлар олимпиадаси иштирокчиси Р.Қурбонов каби шогирдларимиз эришадиган ютуқларда мактаб жамоасининг ҳам хизматлари катта.

Мактабнинг иқтидорли ёшлари республика биринчиликлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасидаги «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларида фаол қатнашиб, вилоят шарафини муносиб ҳимоя қилишмоқда. Ана шундай баҳсларда мактаб тарбияланувчилари кўлга киритган оltин медаллар сони 100га яқинлашиб қолди. Мактаб ўқувчиларидан О.Каримова, З.Тоирова, У.Қулжонов, З.Ортиқова бу борада бошқа ўқувчиларга ўрнак бўлмоқда. Ёш спортчиларнинг ажойиб натижаларга эришишларида, албатта, О.Тошматов, Н.Агамян, Р.Исломов сингари тажрибали мураб-

бийларнинг ҳиссаси бор.

— Мактабимиз жамоаси ташаббуси билан вилоятда енгил атлетикани ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида 2010 йили Ўзбекистон Республикаси енгил атлетика федерациясининг вилоят бўлимини ташкил этдик, — дейди директор ўринбосари К.Обрўев. — Жорий йилнинг 25-26 январь кунлари Олимпия захиралари коллежида вилоят спорт кўмитаси, енгил атлетика федерацияси, енгил атлетикага ихтисослашган Болалар ва ўсмирлар Олимпия захиралари спорт мактаби ва Олимпия захиралари коллежи билан ҳамкорликда вилоят биринчилиги ўтказилди. Бундай мусобақалар мактабимизда мунтазам ташкиллаштирилади ҳамда уларда иқтидорлар сараланиб, рағбатлантириб борилапти.

Ҳаким ЖҲҲАЕВ
Самарқанд вилояти



41 ОЧКО ДУЭЙНГА ТЕГИШЛИ

Миллий баскетбол ассоциацияси клубларидан бири «Майами Хит» плей-офф баҳсларининг ярим финалига етиб келди. «Индиана Пейсерс»га қарши ўтказилган матчи «Хит» вакиллари 105:93 ҳисобидаги ўстунлик билан яқунлашди, деб хабар беради МБА расмий сайти.

Ҳўйин давомида «Майами Хит» вакили Дуэйн Уэйд ўз жамоасига энг кўп — 41 очко жамғариб бериб, матчининг энг яхши ўйинчиси бўлди.

«Индиана Пейсерс» вакили Дэвид Уэст эса жамоаси ҳисобига 24 очко жамғарди.

Финал йўлланмасини кўлга киритиш учун кечадиган баҳсда «Майами»ликлар «Бостон Селтикс» — «Филадельфия Севенти Сиксерс» жамоалари ўртасида ўтказиладиган учрашув ғолибига қарши майдонга тушишди.

ЯРИМ ФИНАЛЧИЛАР НОМИ МАЪЛУМ

Теннис бўйича Франциянинг Ницца шаҳрида ўтказиладиган АТР таснифидаги нуфузли халқаро турнирнинг чорак финал учрашувлари нихоясига етди. Унда қозоғистонлик теннисчи Михаил Кукушин америкалик Брайан Эйкерни мағлубиятга учратди.

Салкам 2,5 соат давом этган учрашув 4:6, 6:3, 7:6 (7:4) ҳисоби билан яқунланди.

Эслатиб ўтамиз, турнирнинг умумий ютуқ жамғармаси 400 минг еврони ташкил этади.

Мазкур теннис турнирининг бошқа чорак финал учрашувларида испаниялик Николас Альмагро бельгиялик Стив Дарсини 6:4, 6:4 ҳисобида енгилга муваффақ бўлди. Учрашув 1,5 соат давом этди.

Нуфузли турнирнинг ярим финалида Михаил Кукушин россиялик Николлай Давиденкога, Николас Альмагро франциялик Жил Симонга қарши қорға тушади.

реклама * эълонлар * реклама * эълонлар * реклама * эълонлар * реклама * эълонлар

Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги филология фанларига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби 2012-2013 ўқув йили учун 2-ихтисослаштирилган синфларга танлов асосида қабул эълон қилади

Кириш синовларида қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилиши керак:

1. Мактаб директори номига ариза.
2. Туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома (нусхаси).
3. 086-У формадаги тиббий маълумотнома.
4. 3х4 ҳажмдаги 6 дона фотосурат.
5. Психологик-педагогик ташхис дафтари асосида ўқувчининг қизиқишлари, ўқув фанларини ўзлаштириш ҳақида тасдиқланган тавсифнома.
6. Турар жойдан маълумотнома.
7. Истеъдод ва иқтидорини кўрсатувчи ишларидан намуналар (шеърлар, ҳикоялар, расмлар ва шу кабилар).

Ҳужжатлар 2-ихтисослаштирилган синфлар учун 1—31 июль кунлари қабул қилинади.

Кириш синовлари тест, оғзаки ва ёзма кўринишида ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли, 71-уй, ХТВ тасарруфидаги филология фанларига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби.

Кўшимча маълумотлар учун телефон: 267-18-10

ҚАБУЛ ҲАЙЪАТИ

Ҳурматли академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, муддатли ҳарбий хизматни ўтаганлар, барча абитуриентлар, олий маълумотли бўлишни истаганлар ва ота-оналар!

Тошкент давлат техника университетида “Очиқ эшиклар куни” ўтказилишини маълум қиламиз. Тадбирда Тошкент давлат техника университети факультетлари ва мутахассис тайёрлайдиган кафедралари билан танишиб, абитуриентларга тегишли барча маълумотларни олишингиз мумкин.

Тадбир 2 июнь куни соат 10:00дан 15:00гача бўлиб ўтади.

**“ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ”ГА
МАРҲАМАТ!**



Манзил:
Тошкент шаҳри,
Университет
кўчаси, 2-уй.

Мўлжал:
“Беруний”
метро бекати.



Китоб миллатнинг қалб ва ақл кўзини ёритувчи офтобдир!

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ



Сизга тақдим этилаётган буюк ва таниқли шоир-ёзувчиларнинг бебаҳо дурдоналаридан бебаҳра қолманг!

Мурожаат учун манзил: 100128, Тошкент, Шайхонтоҳур кўчаси, 86.

Телефонлар: (+99871) 241-83-29, 241-35-47. Моб.: (+99897) 760-06-81. Web-сайтими: www.iptdgulom.uz E-mail: iptdgulom@sarkor.uz

Ma'rifat

TA'SIS ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi
vazirligi, O'zbekiston Oliy
va o'rta maxsus ta'lim
vazirligi, O'zbekiston
Ta'lim, fan va
madaniyat xodimlari
kasaba uyushmasi
Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Madamin
ARIPJANOV, Jumanazar BEK-
NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV,
Baxtiyor YQUBOV (mas'ul kotib),
Farrux JABBOROV (bosh muharrir-
ning birinchi o'rinbosari), Mahmuda
MURZAYEVA, Husan NISHONOV
(bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan
USMONOV (bosh muharrir
o'rinbosari, "Учитель Узбекиста-
на"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul
kotib, "Учитель Узбекистана"),
Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta
O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida № 0067 raqam bilan
ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416



INDEKS: 149, 150. Г-518.
Tiraji 49951.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish
tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart.
Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqir-
qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy
o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi—236-
53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi
yangiliklari bo'limi—236-54-03, adabiyot, madaniyat,
kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi—236-
54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari
bo'limi—236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport
yangiliklari bo'limi—236-55-58, reklama va marketing
bo'limi—233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda
erkin narxda

Dizaynerlar:
Malohat TOSHOVA,
Liliya BINASHEVA.

Navbatchi muharrir:
Abror UMARQULOV.
Navbatchi: Sherati NAMOZOV.

«Sharq» nashriyot-matbaa
aksionerlik kompaniyasi
bosmaxonasi.

Korxona manzili:
«Buyuk Taron» ko'chasi, 41-uy

Yil yakuni—23.25
Toshirildi—00.10